

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Тошкент фармацевтика институти

Қўлёзма ҳуқуқида

Акрамов Толибжон Юлдашевич


**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ,  
ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
КАФЕДРАСИНИНГ 1997-2007 ЙИЛЛАРИДАГИ ЎҚУВ,  
УСЛУБИЙ ВА ИЛМИЙ ИШЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

Ихтисослик: 5A720501- Фармацевтика менежменти ва иқтисодиёти

Магистрлик даражасини олиш учун

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: фарм. ф.д., проф. Тошмухамедов Эркин Рахимович 

Оппонент: фарм. ф.д., проф. Юнусова Холида Манноновна 

ТОШКЕНТ-2008

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тасдиқ  
Кафедра мудирининг  
“ ” 200\_й

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ  
БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

Тошкент Фармацевтика институти ректорининг 200\_й “ ”

Сон буйруғи билан тасдиқланган Фармацевтика институти  
ташқиқот институти кафедраси буйича  
ФУИТК кафедрасининг 1997-2002 йилларида  
магистрлик диссертациясининг номи

тегилиги ва илмий соҳаси мавзудаги магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар проф. Ф. В. проф. Абдулқодир Раҳимов бошчилигида

(илмий раҳбарнинг исми-фамилияси, лавозими, илмий даражаси ва илмий унвони)

Арашов Абдулқодир томонидан

(тингловчининг исми-фамилияси)

туғалланган ҳолда 200\_й “ ” да

ФУИТК кафедрасига дастлабки ҳимоя учун тақдим этилади.

Тадқиқот ишида ташқиқот институти кафедраси  
ва институти фойдаланилади

Фармацевтика соҳаси, тиббиёт соҳаси буйича чоп этилган адабиётлардан, замонавий усул

ва услублардан ва х.к.)

Ишда

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ берилиши кўзда тутилади

Ишда куйидаги масалалар баён этилади:

1-боб 1995-2002 йилларида Ўзбекистон Республикаси

(номи) \_\_\_\_\_

да тарихи ва илмий соҳаси

2-боб ФУИТК кафедрасининг таърихи ва илмий соҳаси

(номи) \_\_\_\_\_

ва илмий соҳаси

3-боб 1997-2002 йилларидаги ФУИТК кафедраси

(номи) \_\_\_\_\_

нинг таърихи ва илмий соҳаси

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(сана, ой, йил)

Илмий раҳбар проф. Абдулқодир Раҳимов

(исми, фамилияси, илмий даражаси ва унвони)

Магистрант 200\_й “ ” да топшириқни қабул қилди.

Мавзу: «Тошкент фармацевтика институти «Фармацевтика ишини ташкил қилиш» кафедрасининг 1997-2007 йилларидаги ўқув, услубий ва илмий ишлари фаолияти таҳлили».

*М у н д а р и ж а*

I.	Кириш .....	2
II.	Адабиётлар шархи	
2.1.	1925-2007 йилларида Ўзбекистон Республикасида дорихона тармоқларининг ривожланиши.....	4
2.2.	Дорихона тармоқларининг фармацевт кадрлар билан таъминланганлиги.....	18
2.3.	Ўзбекистон Республикасида фармацевт кадрларга бўлган талаб.....	23
III.	Амалий қисм	
	«Фармацевтика ишини ташкил қилиш» кафедрасининг тарихи.....	33
3.1.	1997-2007 ўқув йилларида «Фармацевтика ишини ташкил қилиш» кафедрасининг ўқув фаолияти таҳлили.....	38
3.1.1.	1997-2007 ўқув йилларида кафедранинг профессор-ўқитувчилар билан таъминланганлиги.....	42
3.1.2.	Талабаларнинг фанларни ўзлаштириш ҳолати.....	46
3.1.3.	Магистрантларнинг фанларни ўзлаштириш ҳолати.....	49
3.1.4.	Ишлаб чиқариш амалиёти .....	55
3.1.5.	Курс ишлари таҳлили .....	58
3.1.6.	Малакавий битирув (диплом) ишлари таҳлили.....	61
3.2.	Услубий ишлари таҳлили .....	65
3.3.	Илмий ишлари таҳлили.....	68
IV.	Хулоса.....	80
V.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82
VI.	Иловалар.....	86

## КИРИШ

Октябрь тўнтарилишига қадар ҳозирги Ўзбекистон минтақасида доришунослик қолақ аҳволда бўлиб, дориҳона муассасалари хусусий мулкчилар қўлида, уларнинг аксарияти эса фармацевт ҳам эмас эди. Дориҳона муассасалари соғлиқни сақлаш муассасаси эмас, балки, фойда келтирувчи савдо қорҳонаси деб қаралар эди.

1917 йилда Ўзбекистон ҳудудида 46 та дориҳона бўлиб, улардан 29 таси шаҳарларда жойлашган, қишлоқ аҳолиси дори-дармон таъминоти эса аянчли аҳволда эди. Малакали миллий фармацевт кадрлар жуда кам эди.

1914 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 80 фармацевт ва 43 фармацевт шоғирди фаолият кўрсатишган [3,5,6,11,14] .

Ўзбекистонда 1920-1940 йилларда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида ўрта тиббиёт мактаблари, курслари ташкил қилиниб, бу тиббиёт билим юртларини 650 га яқин фармацевтлар битириб чиққан.

Ўрта маълумотли фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёж асосан қондирилган бўлса ҳам, аммо олий маълумотли фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёж қатта эди [7,9] .

1937 йилда Тошкент фармацевтика институти ташкил этилиши фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун Марказий Осиё микёсида фармацевтика таълими ва фанининг ривожланишида улкан тарихий воқеа бўлди [13,18,35,38,39] .

Фармацевтика ишини ташкил қилиш курси 1939 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша даврда “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармациянинг тарихи” деб аталган. 1957 йилгача бу курс ҳар хил кафедра таркибига қирган: дори турлари технологияси кафедраси таркибида 1951 йилгача, суд қимёси кафедраси таркибига 1951-1955 йиллар, медицина товаршунослиги курси таркибида эса 1956-1957 йиллар фаолият кўрсатган.

1958 йилгача фармацевтика ишини ташкил қилиш курсига ўриндошлик лавозимида илмий унвони бўлмаган Крутик Л.М., Фриерман М.Л., Ицкович А.Д., 1942-1944 йй. Проф. Коган Г.Я. раҳбарлик қилган.

1958 йил 3-7 февралда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий фармацевтлар жамиятининг Пленуми қарорига асосан институтнинг фармацевтика ишини ташкил қилиш курси фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иктисодиёти кафедрасига айлантириш ҳақида Тошкент фармацевтика институти 1958 йил 9 сентябрдаги 594-сонли буйруғи эълон қилинди. Шундай қилиб, ФИТҚ кафедраси 1958 йил сентябрдан бошлаб алоҳида мустақил кафедра сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда [30].

\* \* \*

**Мавзунинг долзарблиги:** 2007 йил январь бўйича Ўзбекистон фармацевтика бозорида 6372 та дорихона ва дорихона филиаллари, улардан 3483 таси шаҳар марказларда, 2889 таси кўп кишили аҳоли пунктлар ва қишлоқ жойларда тақсимланган. Ўзбекистон Республикасидаги фармацевт кадрлар сони 6967 га тенг бўлиб, ҳар 100000 аҳоли сонига 30 га яқин олий маълумотли фармацевт тўғри келади.

\* \* \*

**Мақсад:** Тошкент фармацевтика институти “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” кафедрасининг 1997-2007 йилларидаги ўқув, услубий ва илмий ишлари фаолияти давомида эришилган ютуқларини ўрганиб таҳлил қилиш, шу билан бир қаторда камчиликларини ўрганиб чиқишдан иборат.

## II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

### 2.1. 1925-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасида дорихона тармоқларининг ривожланиши

1925 йил 1 февралда Туркистон АССР дорихоналар бошқармасини тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комисариати таркибида Дорихоналар бошқармаси ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССР Дорихоналар бошқармаси ихтиёрига 34 хўжалик ҳисобидаги дорихона, марказий дорихона омбори, назорат-аналитик лаборатория ва гален-кадоклаш лабораториялари кирди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида асосий эътибор қишлоқ ерларида даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларини сонини кўпайтиришга ҳамда уларни тиббиёт ва фармацевт кадрлар билан таъминлашга қаратилган эди [10,13,25,28].

Қишлоқ аҳолисини дори воситалари билан таъминлашни яхшилашда Ўзбекистон ССР халқ комисарлар кенгашининг 1927 йилда чиқарган “Давлат дорихоналари ва дорихона муассасаларининг даромадларидан фойдаланиш” тўғрисидаги қарори муҳим рол ўйнади. Қарорда маҳаллий Соғлиқни сақлаш ташкилотларига хўжалик ҳисобидаги дорихоналар ва дорихона муассасаларининг йиллик даромадларини 45% гача қисми қишлоқ дорихона тизимини кенгайтиришга сарфлаш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қишлоқ ерларида дорихона тармоқларини кўплаб оча бошлади. Масалан, 1925-1927 йилларда Ўзбекистонда очилган 20 дорихонанинг 19 таси қишлоқ ерларида жойлашган эди [24,25].

Дорихона ходимларининг меҳнат шароитларини, дори воситаларни сифатини яхшилаш, дорихона асбоб-ускуналарини, аппаратураларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, дорихона рецептурасида тайёр дорилар ҳажмини кўпайтириш мақсадида 1929 йил 1 июлда Ўзбекистон ССР Дорихоналар бошқармаси таркибида “Дорихоналар ишини рационализациялаш тажриба станцияси” ташкил қилинди. Тажриба

станциясида шаҳар ва қишлоқ дорихоналари учун жиҳозлар, ассистент столлари ишлаб чиқилди, дорихона ходимлари учун эса ишлаб чиқариш меъёрлари, стандарт дори турлари, сигнатуралар бўйича низомлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Дорихоналар бошқармаси ҳукумат қарорларини амалга ошириш мақсадида урушгача бўлган беш йиллик даврида дорихона тармоқларини жадал ривожлантира бордилар. 1929-1940 йилларда Ўзбекистонда дорихоналар 54 тадан 172 тагача ошди. Шу даврда шаҳар дорихоналари икки баравар, қишлоқ дорихоналари 4,6 бараварга ошди [6].

1931 йилдан бошлаб Россия, Украина шаҳарларида дори фабрикалари ташкил қилина бошланди. Тошкентда эса дори фабрикаси 1932 йил ташкил қилинди. Бу дори фабрикасига аввал 10 дорихона бириктирилди. 1935 йил дори фабрикаси 577 минг якка тартибдаги дори тайёрлади, бу эса Тошкентда жойлашган дорихоналар умумий рецептурасининг 60 % ини ташкил қилди, 1936 йилда бу кўрсаткич 40 % га тушди. 1937 йил дори фабрикаси таркибида 3 дорихона қолди. 1938 йилда эса Тошкентдаги дори фабрикаси ёпилди, бунга сабаб дори фабрикасининг моддий техника базаси тез ва сифатли дори тайёрлаш имконини бермади.

1935 йил охирига келиб мамлакатда дорихона тизимини бошқаришда қайта қуриш даври бошланди. Россия Халқ комиссарлар кенгашининг 1935 йил 30 декабрдаги қарорига асосан РСФСР Соғлиқни сақлаш халқ комиссариати Дорихоналар бош бошқармаси ташкил қилинди. Кейинчалик Дорихоналар бош бошқармаси бошқа иттифоқчи республикаларда ҳам ташкил қилинди [6,7].

1938 йил 2 июнда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссариатининг 148-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Дорихоналар бошқармаси Ўзбекистон ССР Дорихоналар бош бошқармасига айлантирилди ва бошқарма таркибига Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоят бўлимлари ва Қорақалпоғистон АССР дорихоналар бошқармаси кирди.

Дорихоналар бош бошқармаси ташкил қилиниши билан ҳамма хўжалик ҳисобидаги дорихона тармоқлари вилоят Соғлиқни сақлаш бўлимлари ихтиёридан Дорихоналар бош бошқармалари бўлимлари ихтиёрига ўтди. Вилоят дорихона бошқармалари зиммасига дорихона муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш сифатини назорат қилишни бошқариш ва фармацевт кадрлар билан таъминлаш вазифалари юклатилди.

Қишлоқ ерларида колхоз ва совхозларнинг жадал қурилиши тиббиёт ва дорихона тармоқларини кенгайтиришни талаб этди. Шу мақсадда фельдшер, фельдшер-акушер пунктлари ва шифохоналар очила бошлади. Аммо қишлоқ ерларида етарли миқдорда дорихоналар очиш ва уларни фармацевт кадрлар билан таъминлаш имконияти ҳамма ерларда ҳам етарли эмас эди. Шу сабабли дорихона мавжуд бўлмаган қишлоқларда фельдшер ва фельдшер-акушер пунктларида дорихона пунктлари очила бошлади.

Дорихона пунктлари биринчи марта 1935 йил Украинада, 1937 йил Россияда, 1938 йили Ўзбекистонда очилди.

1940 йил бошида битта дорихонага Россияда ўртача 21,5 минг аҳоли тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда 39 минг аҳоли тўғри келди. Ўзбекистон дорихона тармоқларини ривожланишига бу даврда фармацевт мутахассисларининг етишмаслиги салбий таъсир қилди. Масалан, Ўзбекистонда 20 та туман марказида дорихона мавжуд эмас эди.

Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида 1939 йилга қадар бирорта ҳам фармацевт кадрлар йўқ эди, дорихоналарда фельдшер ва тажрибали амалиётчилар ишлар эди. Республика дорихона тизимида ишлаш учун маҳаллий аҳолидан фармацевт кадрлар тайёрлаш зарур эди. Шу сабабли Самарқанд, Фарғона, Нукус ва Наманган тиббиёт техникумлари таркибида фармацевтлар тайёрлайдиган бўлимлар очилди [6,7,23].

1940 йил охирига келиб, Ўзбекистон минтақасида 172 та дорихона бўлиб, шулардан 3 дорихона қишлоқ ерларда, 398 дорихона пунктлари, 20 дорихона дўконлари, 76 киоск, 5 дорихона омборхонаси, 6 назорат аналитик

лабораторияси ва битта гален – кадоклаш лабораторияси фаолият кўрсатиб турди.

1925-1940 йилларда Ўзбекистонда фармацевтика соҳаси сезиларли ютуқларга эришди. Дорихона ходимлари олдида аҳолини ва Соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш сифатини оширишдек вазифалар турар эди [5,6,15,20].

Иккинчи жаҳон уруши (1941-1945) йилларида дорихона биринчи навбатда эвакуогоспиталларни, уруш ногиронларига хизмат кўрсатувчи тиббий муассасаларни, болалар тиббий муассасаларини ва мудофаа корхоналарининг, тиббий санитар қисмларининг эҳтиёжини қондирди [31].

Урушдан кейинги йилларда дорихоналар замонавий асбоб-ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди ва энг йирик илғор дорихона муассасаларига айланди.

1959-1975 йиллар ичида Ўзбекистон Республикасида 888 дорихона очилди, шундан 652 қишлоқ жойларида очилди [10,22].

1971-1977 йилгача бўлган даврда 140 дан ортиқ дорихоналар асосан типик лойихалар бўйича қурилди ва 130 та дорихона эса янги қурилган биноларга ўтказилди.

1978 йил июнда Тошкентда Марказий шаҳар ўқув-ишлаб чиқариш дорихонаси очилди. У алоҳида уч қаватли бинога жойлашди. Дорихона Тошкент фармацевтика институтининг ўқув базаси бўлиб, унда 3 та ўқув хонаси, маъруза хонаси ва фармацевтика музейи бор эди. Дорихона янги замонавий асбоб-ускуналари ва мебеллар билан жиҳозланди.

1978 йил 1 январга келиб, Ўзбекистонда 1334 дорихона, 3552 дорихона пунктлари, шундан 138 таси биринчи гуруҳ, 26 таси дорихона дўконлари, 450 тадан зиёд киоскалар, 14 дорихона омборлари, 14 назорат-аналитик лабораториялар фаолият кўрсатди.

Дорихона корхоналари сонининг ортиши ҳамда хизмат кўрсатишнинг етакчи усулларини тадбиқ этиши билан аҳолини дори воситалари билан таъминлаш яхшиланди. Масалан, агарда 1958 йилда дорихона

тармоқларида товар айирбошлаш тахминан 20 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 1977 йилда эса бу кўрсаткич 90,6 млн сўмга етди. Агар 1958 йилда дорихоналарга рецепт бўйича 15 млн сўмлик дори воситалари берилган бўлса, 1977 йилга келиб, бу кўрсаткич 75 млн сўмни ташкил этган, шундан 80,6 % и тайёр ҳолдаги дори турларига тўғри келган [22].

Дорихоналарда тайёрланадиган дори воситаларининг сифати ҳам яхшилана борди. Сифатсиз тайёрланган дори турлари миқдори 1958 йилда 2,1 % ни ташкил қилган бўлса, 1977 йилга келиб бу кўрсаткич 0,02 % гача камайди.

Дорихона тармоқларида аҳолини дори воситалари билан таъминлашнинг етакчи усуллари кенг тарқалди: тиббиёт ходимларидан телефон орқали дори тайёрлаш учун рецепт қабул қилиш, оғир беморлар, қариялар ва қаровсизларга дориларни уйига етказиб бериш, сурункали беморларга дори воситалари келганда уларга хабар бериш, дорихоналарда беморларни парвариши учун керакли буюмларни ижарага бериш бўйича маълумотлар бюроси ва пунктлари ташкил қилинди.

Дорихоналар умумий сони 1980 йил охири – 1500 тага, қишлоқларда эса, 990 тага етказиш кўриб чиқилди.

1980 йилда ўртача 1 та дорихонага тўғри келадиган аҳоли сони 10,8 минг кишига, жумладан шаҳарларда 13,2 қишлоқ жойларда 9,2 га тўғри келиши олдиндан кўриб чиқилди. Шифохона дорихоналарининг моддий техника базасини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинган. Дорихона тармоқларида иш сифати ва аҳолига дори хизмати янада яхшиланди [12,20].

Иттифоқ тарқаб кетгандан кейин Мустақилликнинг илк йилларида, дорихоналар бозор иктисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётганда айрим қийинчиликларга дуч келди. Собик Иттифоқ даврида амалда бўлган буйруқ, йўриқнома ва меъёрий ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. Натижада фармацевтика хизматини, дорихона муассасаларини бошқариш, товар ва моддий бойликларнинг ҳисоб-китоби, дорихона иктисодий кўрсаткичларини

режалаштириш, дорихона муассасаларини, ходимларини штатини ҳисоблаш, дорихоналарда иш юритишни ташкил этиш каби қатор масалаларни ҳал қилишда қийинчиликларга дуч келинди. Бу масалаларни ечмай, ҳал қилмай олга юриш анча қийин бўлиб қолди.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақил Ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, дорихона тизимини ислоҳ қилди, дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқарди: хусусий, жамоа, акциядорлик дорихона муассасалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ги 132-сон Қарори эълон қилинган вақтда Ўзбекистонда давлат тасарруфида 2552 дорихона мавжуд бўлган бўлса, 1994 йил охирига келиб 352 шифохона дорихоналари, 239 акциядорлик дорихоналари, 290 жамоа дорихона муассасалари ва 1059 хусусий дорихоналар ташкил қилинди. 1994-2001 йилларда эса 2692 хусусий дорихона ва 585 дорихона шахобчалари янгидан очилди.

2002 йилга келиб фармацевтика фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлган дорихоналар сони 3945 га етди. Шулардан 61 тасини ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхоналар, 171 тасини улгуржи корхоналар, 3712 тасини дорихоналар ва 1286 тасини дорихона шахобчалари ташкил этди. Шифохона дорихоналари сони 384 тага, “Дори-дармон” АК ихтиёридаги дорихоналар сони 219 тага, жамоа дорихоналар сони 45 тага, хусусий дорихоналар сони эса 2722 тага етди.

Ўзбекистон фармацевтика бозорида 2004 йил январь ойида берилган маълумотларга қараганда, 6372 дорихона ва дорихона филиаллари мавжуд бўлиб, улардан 3483 таси шаҳарларда ва 2889 таси эса қишлоқ жойларида фаолият юритади [5,8,33].

1996-2006 йиллар давомида дорихона филиаллари сонининг кўпайиши 2.2-жадвалда акс эттирилган. 2.1- ва 2.2-жадвалда вилоятлардаги чакана

савдо билан шуғулланувчи тармоқнинг ўсиши коэффициенти ҳисоби келтирилган.

### 1999-2006 йилларда вилоятлар миқёсида дорихоналар сонининг ўсиши

2.1-жадвал

№	Вилоятлар номи	Йиллар							
		1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
1	Қорақалпоғистон Республикаси	171	173	206	235	247	266	165	177
2	Тошкент шаҳри	361	545	675	737	758	693	725	855
3	Андижон	314	294	359	405	424	368	384	441
4	Бухоро	197	212	239	255	270	239	249	276
5	Жиззах	93	84	99	110	113	64	82	95
6	Қашқадарё	184	190	26	261	289	249	264	302
7	Навоний	107	103	125	136	147	112	111	129
8	Наманган	162	163	204	231	235	292	220	238
9	Самарқанд	241	252	321	353	380	322	358	416
10	Сурхандарё	162	159	194	221	237	98	216	244
11	Тошкент	379	339	387	419	441	325	350	391
12	Фарғона	306	305	368	382	409	387	397	443
13	Хоразм	152	151	179	194	202	259	179	194
Жами:		3198	3053	3712	4068	4285	3568	3788	4301

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 2000-2004 йилларда барча вилоятларда дорихоналар сонини кўпайишини ва уларнинг сонини 2004 йилда пасайиши кузатилган, бунга сабаб кўпчилик дорихоналарда дорихона лицензияси вақтини тугаганини билдиради, дорихона лицензиясини қайта тикланиши 2005-2006 йилларда дорихоналар сонини кўпайишига олиб келган.

2005-2006 йилларда кейинги лицензиялаш тенденцион ўсиш сурати кузатилган.

**1999-2006 йилларда вилоятлар миқёсида дорихона  
филиаллари сонининг ўсиши**

2.2-жадвал

№	Вилоятлар номи	Йиллар							
		1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
1	Қорақалпоғистон Республикаси	17	25	30	43	49	51	78	90
2	Тошкент шаҳри	223	273	373	421	437	314	330	420
3	Андижон	35	54	78	100	128	97	111	142
4	Бухоро	20	87	100	122	128	156	108	123
5	Жиззах	9	16	39	47	45	60	63	75
6	Қашқадарё	23	51	75	76	85	86	82	106
7	Навоний	24	24	35	46	55	52	59	66
8	Наманган	31	49	125	143	171	115	136	173
9	Самарқанд	22	40	63	81	104	120	142	180
10	Сирдарё	12	31	51	77	100	83	80	91
11	Сурхандарё	65	77	93	106	116	128	146	170
12	Тошкент	51	62	75	94	107	123	141	166
13	Фарғона	49	88	125	134	135	147	152	197
14	Хоразм	15	20	24	30	29	40	55	72
Жами:		608	897	1286	1520	1689	1572	1683	2071

Демак, 1999-2006 йилларда дорихона ва дорихона филиаллари сони ўсиши таъкидлаб ўтилган.

2.3-жадвалда дорихона филиал ошиши коэффициенти солиштирув асосида дорихоналар сонининг ошиши кўрсатилган.

**1999-2006 йилларда ҳудудий бўйлаб чакана дорихоналар тармоғини ўсиш коэффициентини**

2.3-жадвал

№	Вилоятлар номи	Коэффициент ўсиш кўрсаткичи	
		Дорихона	Дорихона филиали
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1	5,3
2	Тошкент шаҳри	1,4	1,9
3	Андижон	1,4	4,1
4	Бухоро	1,4	6,2
5	Жиззах	1	8,3
6	Қашқадарё	1,6	4,6
7	Навоий	1,2	2,8
8	Наманган	1,5	5,6
9	Самарқанд	1,7	8,2
10	Сирдарё	1	7,6
11	Сурхандарё	1,5	2,6
12	Тошкент	1	3,3
13	Фарғона	1,4	4
14	Хоразм	1,3	4,8

Шуни айтиш жоизки, энг юқори ўсиш коэффициенти Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида кузатилган.

Бизнинг мамлакатимизда дорихона тармоғининг чакана туридаги дистрибуторлари мавжуд бўлиб, кўриниши янги шаклда эмас. “Дори-дармон” АКси “Фармацевтика” тизимининг ҳуқуқий қабул қилинганлиги ҳисобланади. Кўпгина регионларда “Дори-дармон”-асосий таъминотчилар, (ишлаб чиқарувчилар ва дистрибутор) билан воситачи бўлиб ҳисобланади. “Дори-дармон” АК (7 тадан 80 тагача дорихоналар таркибига киради) асосан аҳолига рецепт асосида бепул дори хизматини таъминлаш, дори воситалари улгуржи нархлари билан савдо қилишни йўлга қўйиш бир

вақтда, ҳудуддаги даволаш профилактика муассасаларидаги дорихоналарни дори-дармонлар билан таъминлаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

“Дори-дармон” АК бўйича йирик шаҳарлардаги дорихона ва дорихона филиаллар сони 2.4-жадвалда келтирилган.

*Ўзбекистон Республикаси йирик шаҳарлардаги*

*“Дори-дармон” АК нинг дорихона ва дорихона*

*филиаллар сони. (01.01.2007)*

*2.4-жадвал*

<i>№</i>	<i>Шаҳарлар номи</i>	<i>Аҳоли сони, минг киши</i>	<i>Дорихоналар сони</i>	<i>Дорихона филиаллар сони</i>	<i>Битта дорихона муассасасини аҳоли сонига нисбати</i>
1	Нукус	257,8	72	30	2,53
2	Тошкент	2133,8	1032	387	1,5
3	Андижон	356,2	163	45	1,71
4	Бухоро	239,5	138	49	1,28
5	Гулистон	55,8	59	34	0,6
6	Жиззах	137,8	52	27	1,74
7	Қарши	215,3	111	45	1,38
8	Навоний	122,4	47	32	1,55
9	Наманган	413,3	104	54	2,62
10	Самарқанд	362	237	91	1,1
11	Термиз	122,6	67	20	1,4
12	Олмалиқ	117,4	17	15	3,67
13	Ангрен	130	35	29	2,03
14	Чирчиқ	140,5	33	23	2,5
15	Фаргона	185,9	102	61	1,14
16	Қўқон	204,8	89	16	1,95
17	Марғилон	167,2	36	27	2,65
18	Урганч	135,5	79	25	1,3
	Жами	5497,8	2473	1010	1,58

*Дорихона муассасасидаги “Дори-дармон” АК ни тармоғи*

*2.5-жадвал*

<i>№</i>	<i>Вилоятлар номи</i>	<i>Дорихона филиали</i>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	19
2	Тошкент шаҳри	22
3	Андижон	7
4	Бухоро	43
5	Жиззах	35
6	Қашқадарё	28
7	Навобй	21
8	Наманган	77
9	Самарқанд	43
10	Сирдарё	54
11	Сурхандарё	78
12	Тошкент	25
13	Фарғона	31
14	Хоразм	15
	Жами	498

2.6- жадвал шуни кўрсатадики, хусусий сектор дорихона тармоғи ўсиши тенденцияси “Дори-дармон” АК тармоғи яққол фарқланмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, (ДВ) аҳолига дори воситаларини сотишни яхши йўлга қўйиш учун тармоқдаги хусусий сектор дорихоналарни кенгайтириш лозим [5,34].

## Хусусий шаклдаги дорихона тармоги ўсиши тенденцияси

2.6-жадвал

№	Ташкилотлар номи	Филиаллар сони
1	Қўшма корxonанинг МЧЖ "ОХУМЕД"	5
2	МЧЖ "FARM IMPEX"	8
3	МЧЖ "GRAND FARM MEDIKAL"	8
4	ХФ "NOSHIR DORI"	7
5	МЧЖ "QORA QAMISH DORIXONALARI"	6
6	МЧЖ "ЧОРТОҚ ФАРМАЦИЯ"	12
7	МЧЖ "ЯНГИ ҚЎРҒОН ДОРИ-ДАРМОН ДОРИХОНАЛАРИ"	12

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлашга катта эътибор берилди. Ўтган давр ичида дорихона тизимида туб ўзгаришлар юз берди, Дори-дармон таъминотини такомиллаштиришга оид қатор қарорлар, дорихона муассасалари фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди [38].

Бугунги-кунда бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётган дорихона муассасалари олдида ечилиши лозим бўлган қатор муаммолар турибди ва шулар жумласига, биринчи галда дорихона мақомига оид масалаларини ҳал қилиш киради. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги қонунга кўра дорихоналар иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу стандартларни халқаро талаблар асосида ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш бугунги фармацевтика амалиётини тубдан янгиланишга олиб келади. Шу қаторда дорихона муассасаларини тартибга солиш

жараёнини тугаллаш, дорихоналарда фармацевтика маълумотига эга бўлган мутахассислар фаолият кўрсатиши, назоратдаги дори-дармонлар савдосини рецептлар асосида йўлга қўйиш, сотилаётган дори-дармонларнинг яроқлилик муддати, сифати ва сақлаш шароитларини қатъий меъёрлар билан тартибга солиниши муҳим ўрин эгаллайди.

Шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда дори воситалари ва тиббий буюмларни сертификатлаш, сақлаш ва аҳолига сотиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш масаласини муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг жойлардаги ижросига бағишланган махсус йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлари тарафидан тавсия этилган.

Тиббиёт ва фармацевтикага оид нашрлардан маълумки, Россия Федерациясида охириги икки йилда, аҳолини дори-дармонга бўлган талабининг 40 фоизи Россияда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ҳисобига, 60 фоизи эса чет элдан келтирилган дори-дармонлар ҳисобига қондирилган. Ғарбий Европа давлатларида, Бельгия, Испания, Франция, Германияда эса бу кўрсаткич 70 ва 30 фоизни ташкил этган. Бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади [5,38].

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда Буюк Британия, Германия, Россия Федерацияси, Чехия, Ҳиндистон, Швецариянинг машҳур фармацевтика фирма ва компаниялари иштирокида дори-дармон ишлаб чиқарувчи 16 та қўшма корхона ташкил қилинди. Шу кунга келиб Республикамизда 340 дан ортиқ дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Албатта, бу 16 йил учун катта кўрсаткич, аммо аҳоли ҳисобига қондирилмоқда. Республика дори-дармон мустақиллигига эришиш йўлида Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 14 августда «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатининг ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора – тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди ва бу

маҳаллий фармацевтика саноатининг ривожланишига асос бўлди. Бугунги кунда чет эл фармацевтика фирмалари билан ҳамкорликда ҳаётий зарур дори-дармонларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришдаги солиқ базасини камайтириш, бошқа имтиёз ва кафолатлар бериш асосида аҳолининг дори-дармонга бўлган талабини арзон, сифатли, маҳаллий дори-дармонлар билан қондириш мумкин.

Аҳолига дори воситалари билан таъминлаш хизматини сифати, арзон ва хавфсизлигини таъминлаш, дорихона хўжалигидаги техник-ашёвий базасини мустаҳкамлаш, уни рационал жойлаштириш, эффектив ва сифатли дори воситалар дорихона ташкилоти очиб берилган тармоқнинг кенгайтириши муҳим аҳамиятга моликдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тасдиқи асосида 31.10.03 дан № 477 сонли маъқулланган "Фармацевтик фаолиятининг лицензиялаш хусусида" мувофиқлаштирилган лицензия асосида дорихона муассасалари ишлаш тартиби йўлга қўйилган.

Лицензияловчи орган маълумотига кўра, 2007 йил январь бўйича Ўзбекистон фармацевтика бозорида 6372 та дорихоналар ва дорихона филиаллар, улардан 3483 таси шаҳар марказларда, 2889 таси кўп кишили аҳоли пунктлар ва қишлоқ жойларда тақсимланган, деб баён этилган [5].

## *2.2. Дорихона тармоқларининг фармацевт кадрлар билан таъминланганлиги*

1914 йилда ҳозирги Ўзбекистон минтақасида 80 фармацевт ва 43 фармацевт шогирди фаолият кўрсатар эди.

Октябрь тўнтарилишидан кейин 1918 йилда Тошкентда ўрта тиббиёт мактаби, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида эса дорихона ассистентлари тайёрлаш курслари ташкил қилинди. 1920 йилда Тошкентда фельдшерлар мактаби, 1924 йилда эса фармацевтлар тайёрлайдиган бўлимлар ташкил қилинди [12,17,27,36,38].

Кейинроқ Самарқанд, Андижон, Фарғона шаҳарларида тиббиёт техникумлари қошида фармацевтлар тайёрлайдиган бўлимлар ташкил қилинди. Бу тиббиёт билим юртлири, айниқса фармацевт кадрлар тайёрлайдиган бўлимлар фаолиятнинг дастлабки йилларида ўқитувчилар таркибини жамлашда, ўқув аудиторияларини ташкил қилишда ва уларни кўргазмали қуроллар, ўқув, айниқса услубий материаллар билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келинди. Шунга қарамай 1928 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимида 356 фармацевт, шулардан 84 таси қишлоқ жойларида фаолият кўрсатдилар. 1927-1940 йилларда Республика тиббиёт билим юртини 632 фармацевт битириб чиқди, шулардан 281 киши маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, 42 таси эса ўзбек аёллари эди. 1938-1940 йилларда экстернатура орқали 112 ўрта маълумотли фармацевт кадрлар тайёрланди. Ўрта маълумотли фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёж асосан кондирилган бўлса ҳам, аммо олий маълумотли фармацевт кадрларга эҳтиёж катта эди [15,20,25,26].

Олий фармацевтика таълимининг ривожланишида Иттифоқ халқ Комиссарлари Кенгашининг 1936 йил 8 сентябрдаги эълон қилинган 47-сонли «Ўрта маълумотли тиббиёт, тиш врачлари ва фармацевт кадрлар тайёрлаш ҳақида»ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорга асосан Одесса, Харьков ва Днепропетровск шаҳарларида мавжуд

фармацевтика институтларидан ташқари 1936-1937 йилларда Санкт-Петербург, Москва, Пермь, Тошкент, Баку ва Тбилиси тиббиёт институтлари факультетлари ва кафедралари базасида фармацевтика институтларини ташкил қилиш Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарларига топширилди. Фармацевтика институтлари Олий маълумотли фармацевт – провизорлар тайёрлаш муддати 4 йил деб белгиланган эди [9,10,27].

Тошкент фармацевтика институтнинг 25 июль 1937 йилда чиққан биринчи сонли буйруғида эълон қилинди: 1937-1938 ўқув йилида институтга 50 киши қабул қилинди, 1941 йили институтнинг 37 провизор, шулардан 2 ўзбек мутахассис битириб чиқди.

Фармацевтика институтини ташкил қилишда кўзга кўринган олимлар: Вольинский А.С., Недрит П.А., Тагиров К.Х., Тўракулов Я.Х., Азизов М.А., Михалков В.Н., Рахимов А.У., Криженков А.А., Уманский З.М., Хазанович Р.Л., Данилов В.М., Манулкин З.Э., Медведова Т.Н., Шеблыкин В.Н., Бородин И., Петрова М.А., Сохибов Д.Н., Румми С.С. ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Фармацевтика институтини ташкил этилган дастлабки йилларида 10 та мустақил кафедра ва 8 та курс йўналиши ташкил этилди. Профессор-ўқитувчилари штати 38 кишидан иборат эди. Улардан 9 киши фан номзодларига, 5 киши профессор ва 7 киши эса доцентлик лавозимига эга эдилар [10,13,37].

Республика дорихона тармоқларининг ўсишига мос равишда Тошкент фармацевтика институти базаси ҳам мустаҳкамланиб бориб, 1967 йилда институт 16 кафедрадан, профессор-ўқитувчилар штати 143 кишидан иборат бўлди, уларни орасида 8 та профессор, жумладан 3 фармацевтика фанлари доктори ва 43 та фан номзодлари бор эди.

1955 йилда Тошкент фармацевтика институтида сиртки бўлим очилди, 1959 йилда эса бу бўлим сиртки фармацевтика факультетига айлантирилди [10].

Юқори малакали кадрларни тайёрлаш институт жамоасининг диккат марказида турарди. Йилдан йилга абитуриентлар қабули ортиб борди.

1937 йилда институт 50 талабани қабул қилган бўлса, 1966 йилда эса бу рақам 350 тани ташкил этди. Кундузги ва сиртки факультетларда 1634 талабалар таҳсил олди. Талабалар континетлигининг ошиши 2.7-жадвалда кўрсатилган.

1937-1967 йиллар мобайнида институтда 3733 провизор тайёрланди. Жумладан: 1640 маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, шундан 545 таси ўзбек кизлари эди.

Бундан ташқари институт Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон учун ҳам кадрлар етиштириб берган.

Провизорлар тайёрлашнинг ўсиши билан Республика дорихона тармоқларидаги фармацевтик кадрларни миқдори ва таркиби кескин ўзгарди.

Агарда 1924 йилда Ўзбекистон Республикаси дорихона тизимида 223 фармацевт фаолият кўрсатган бўлса, шулардан 1 таси провизор, 1966 йили - 2708 фармацевт бўлиб, шулардан 1180 таси провизор эди. Натижада олий ва ўрта маълумотли фармацевтлар нисбати ҳам ўзгарди. Агарда 1945 йил бир провизорга 3,7 фармацевт тўғри келган бўлса, 1966 йилда эса бир провизорга 1,3 фармацевт тўғри келди [5,10,27].

## Тошкент фармацевтика институтида 1937-1967

### йилларда таҳсил олган талабалар сони

2.7-жадвал

Таҳсил олган талабалар	Йиллар				
	1937	1940	1950	1960	1967
Талабаларнинг умумий сони	62	357	432	1500	1634
Шу жумладан сиртки факультет талабалари	-	-	-	602	464
Маҳаллий миллат вакиллари	12	12	143	786	196
Ўзбеклар	10	14	83	220	847
Ўзбек кизлари	-	13	60	230	349

Тошкент фармацевтика институти қошида 1950 йилда 3 ойлик провизорлар малакасини ошириш курси очилди. 1952 йилда эса Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида дорихона мудирлари ва кимё-аналитиклар малакасини ошириш курси ташкил қилинди. 1952-1962 йилларда 300 дан ортиқ провизорлар ўз малакаларини оширишди. 1969 йилда Тошкент фармацевтика институтида провизорлар малакасини ошириш факультети очилди [5,10,17].

1959-1965 йилларда Ўзбекистон худудида 426 дорихона очиш мўлжалланган бўлиб, 420 дорихона очилди. Ўзбекистон худудида ишлаётган провизорлар сонини етти йиллик охирига келиб 1435 тага, фармацевтлар сони эса 2153 тага етказиш ривожлантирилди. Тошкент шаҳар дорихоналар тизимида 1150 провизорлар ва 1515 фармацевтлар фаолият кўрсатишди.



### 2.3. Ўзбекистон Республикасида фармацевт кадрларга бўлган талаб

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар йўлида фармацевтик маълумот борасидаги тинимсиз изланишлар, олий тоифали тайёргарликка йўналтирилган ва рақобатбардош фармацевт мутахассисларни етиштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор ва ўтиш даври ҳолатида бўлаётган ўзгаришлар тармоқдаги олий ўқув юртлири учун ҳам муҳимдир. Барча ўзгартириш ва талабларни сезиларли даражада ошиб бориши, тараққиётнинг кейинги мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнайди.

Шуни айтиш жоизки, доривор моддаларни айланма муҳитдаги иш ўринлар сони ўсиши ва олий маълумотли фармацевт мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш учун бизга вилоятларнинг тақсимланишини таъминлаш асослари томонидан таҳлил этилган.

Бунга асос қилиб, фармацевтларни миқдорини ўртача 100 000 аҳоли сони ҳисобида олинган :

#### 2.8-жадвал

<i>Регион</i>	<i>1.01.2006 йилдаги аҳоли сони</i>	<i>Олий маълумотли фармацевтлар сони</i>	<i>100000 аҳолига тўғри келадиган фармацевтлар сони</i>
Қорақалпоғистон Республикаси	1546,1	382	24,7
Тошкент шаҳри	2137,7	1471	68,8
Андижон	2265,3	590	26,0
Бухоро	1464,6	455	31,0
Жиззах	1012,0	2,9	21,6

Қашқадарё	2274,2	434	19,0
Навоий	797,6	229	28,7
Наманган	1997,8	441	22,0
Самарқанд	2769,2	537	19,3
Сурхандарё	1817,9	402	22,1
Сирдарё	660,6	291	44,0
Тошкент	2401,4	642	26,7
Фарғона	2747,3	599	21,8
Хоразм	1379,9	275	20,0
Жами :	25271,3	6967	27,5

2.8- жадвалдан кўриниб турибдики, ҳудуднинг ҳар 100000 аҳолисига 30 га яқин фармацевт тўғри келади. Энг юқори кўрсаткич Тошкент -69 ва куйи кўрсаткич Қашқадарё вилояти ва Самарқанд -19, кузатилмоқда. Агарда, меъёрий ҳудуд бўйича 78 та мутахассисдан иборат бўлса, бугунги кунда фармацевт кадрларни таъминланиши 35 % ни ташкил этади.

Маълумки, «Узфармсаноат» давлат акционерлик концерни 68 корхона ва ташкилотлар, 16 қўшма корхоналар, эксперт – импорт фирмалар, савдо уйлари, нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки МДХ да ҳам жойлашган. Қуйидаги 5 йиллик фармацевт кадрлар таъминлаш жараёни 11,9 дан 15,5 % га ошиб бормоқда. Республикада фармацевтика саноатини ҳисобга олганда ёки кадрлар таъминланишининг куйи даражасида эканлиги, институтда “Саноат фармация” си ихтисослиги ташкил этилганидан далолат беради. Ҳар йили 40 кишини қабул қилиш ташкил этилди, лекин бу кадрларни таъминлаш эҳтиёжини қондира олмайди, ишлаб чиқаришдаги фармацевтика корхоналарнинг мутахассисларини ўргатиш йўлида қабул қилиш имконияти кенгаймоқда.

**“Ўзфарманоат” ДАК даги фармацевт кадрларни  
таъминлаш таҳлили**

2.9-жадвал

Категория	1998 й	1999 й	%	2000й	%	2001 й	%	2002 й	%	Ўртачаси %
Мутахассис шарувчи шарулар сони	1151	1112	-3,3	997	-10,3	1017	+2,0	1025	0,7	-2,7
Узлан алий маълумотга эга шарулар	667	717	+7,4	639	-10,8	612	-4,2	631	+3,1	-1,1
Фармацевт кадрлар билан муносабат шарулар %.	82	86	+4,8	88	+2,3	91	+3,4	86	-5,4	+1,2
	12,3	11,9	-3,2	13,7	+15,1	14,8	+8,0	13,6	-8,1	+2,9

Тараққиётга интилиш йўлида фармацевтика бозорида ҳам таълим тизимидаги ўзгариш аҳамияти ва унинг талаби; биринчи навбатда фармацевтика бозори миқёсига янги мутахассисларни жалб этилиши муҳим рол ўйнайди.

Замонавий ижтимоий – иқтисодий ҳолатини вазифаси, дори воситалари тизимидаги фармацевтлар билан таъминлаш маънода махсус тайёргарликни талаби, фарқи сезилмоқда. Бу борада қўйилаётган масалаларни ҳал этишда магистратурага қабул қилиш муҳим омил ҳисобланади. Институт ходимлари томонидан бу соҳада таълим стандарти ишлаб чиқилган:

“Фармация менежменти ва иктисодиёти” – иктисодиёт, молиявий, ҳуқуқий муносабатлар, менежменти, маркетинг ихтисослигини ўрганеди.

“Фармацевтик кимё ва фармакогнозия” – дори воситаларини таҳлил сифати ва сертификатлаш ихтисослигини ўрганеди.

“Дори турлари технологияси” – Янги авлод дори технологиясини мукамаллаштириш ва яратиш ихтисослигини ўрганеди.

Ҳар йили 10 та магистр ҳар бир ихтисослик бўйича мутахассис тайёргарлик сифатини ошириш имконини беради, шунинг натижасида аҳолига дори таъминлаш сифатини кенгайтишига муҳим аҳамиятга эгадир [36].

Тошкент фармацевтика институти Марказий Осиёда ягона бўлган фармацевтика соҳасидаги олий таълим муассасасидир. Институт 70 ёшга тўлди, мана шу тарихан қисқа вақт давомида у ташкил бўлиш, шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтиб, бугунги кунда салмоқли салоҳиятга, юксак ижодий потенциалга эга бўлган йирик ўқув-илмий, маънавий-маърифий марказга айланди. Айниқса мустақиллик йилларида фармацевтика таълимини ислоҳ қилишдаги катта мувафакитларга эришди.

Институт факультетлари ва бўлимларида бугунги кунда 200 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар бўлиб, 25 та фан доктори ва юзга яқин фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Улар Республикада юқори малакали фармацевтлар, биотехнологлар, фармацевт - муҳандислар, фармацевт-педагог ва косметевт-технолог тайёрлаш билан бирга фармацевтика фанини ривожлантириб, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашни такомиллаштиришдек, маҳаллий хом ашёлар асосида юқори самарали, арзон дори воситаларини яратишдек шарафли вазифаларни бажариб келмоқдалар [4,36,38].

Маълумки ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий муаммоларни юқори савияда ҳал эта оладиган, малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш Республикамиздаги барча олий таълим муассасаларини олдида турган устувор вазифа ҳисобланади.

Кўп йиллар мобайнида Тошкент фармацевтика институтида фақат битта -фармацевтика йўналиши бўйича кадрлар тайёрланиб, Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига асосан дорихона тизимида иш юритиш, дори воситаларини тайёрлаш, уларни сифатини назорат қилишга қаратилган эди. Республикамизда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши, таълим соҳасида, жумладан, фармацевт кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ўзгариши ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Даставвал, мавжуд ўқув режалар, мутахассислик фанларининг дастурларига замон талабларига жавобан ўзгартиришлар киритилди. Жумладан: фармацевтик кимё фанидан келгуси касбий фаолият давомида кенг аҳамиятга эга бўлмаган мураккаб кимёвий синтез ва бошқа маълумотларни ёдлаш ўрнига, дори воситаларини назорати, сифатини таъминлаш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш муаммоларига кўпроқ эътибор қаратилди.

Фармацевтика ишини ташкил қилиш фанига “Дори сиёсати”, “Логистика”, “Дори воситаларини қалбакилаштириш”, “Фармацевтика иқтисодиёти” каби тушунчалар киритилди.

Тиббий биологик туркумига бир-бирини ўзаро тўлдирувчи янги фанлар: клиник фармация, фармакокинетика, фармакологик биокимё, фармацевтик ёрдам киритилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалар, ҳозирги кун фармацевтика амалиётида муаммолари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги №343 Қарорига мувофиқ юқори малакали, рақобатбардош, соҳа муаммоларини юқори савияда ҳал қила оладиган, Республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ўз хиссасини қўша оладиган кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент фармацевтика институтида катор тадбирлар амалга оширилиб, янги йўналиш ва мутахассислар ташкил қилинди, замонавий дарсликлар чоп этилди, ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилмоқда [4,38].

Жумладан, Республикамиз аҳолисини дори воситалари таъминоти ишларида мустақилликка эришиш ва аҳолига кўрсатиладиган фармацевтик ёрдам хизматини халқаро андозаларга мос амалга оширадиган кадрлар тайёрлаш мақсадида янги йўналиш **“Саноат фармацевси”** ташкил этилди.

Ушбу вазифа замирида амалга оширилган ишлар Республикамизда мавжуд бўлган юзга яқин фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш учун керак бўлган малакали муҳандис-фармацевт кадрларни тайёрлаш зарурияти билан изоҳланади. Миллий дастурни рўёбга чиқариш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашдир. Бу борада институтда 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб **“Касб таълими”** фармацевтик соҳа йўналиши бўйича педагог кадрларни тайёрлаш амалга оширилди.

Бугунги кунда мустақил Республикамизда 5000 дан ортиқ дори воситалари Давлат реестрида қайд этилган бўлиб, клиник фармацевтларни тайёрлаш ҳозирги кун тиббиётининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Таъкидлаш лозимки, бир қатор ривожланган давлатлар тиббиёт амалиётида клиник фармацевтларни тайёрлаш жорий қилинган, улар дори воситаларидан рационал фойдаланиш, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири, бемор организмидаги турдош касалликлар мавжудлигига қараб, мавжуд кўп минг сонли дорилар уммонидан кераклигини танлашда тиббиёт ходимлари учун маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Бундай кадрлар тайёрлаш учун Тошкент фармацевтика институтида профессор-ўқитувчилар салоҳияти ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар ва виварий мавжудлигини инобатга олган ҳолда 2006-2007 ўқув йилидан **“Клиник фармацевтика”** йўналиши ташкил қилинди. Бу ишларни амалга оширишда Украина ва бошқа бир қатор Европанинг ривожланган давлатлари олий таълим муассасалари тажрибалари ўрганиб чиқилиб, Тошкент фармацевтика институтининг шу

соҳа профессор-ўқитувчилари Харьков фармацевтика миллий университетидан ушбу йўналиш бўйича мутахассиларни тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишиб, малака ошириб қайтдилар.

Ўз навбатида косметик воситалар таъминотини аҳволини таҳлил қилиб, Республикада бўлган валюта захираси салмоғининг катта қисми косметик воситалар харид қилиш учун сарф қилинаётганлиги, бу препаратларнинг кўпгина ҳолларда қалбаки намуналар билан таъминланиб келинаётганлиги ҳамда, Республикада бой ўсимликлар мавжудлиги, бу соҳада малакали педагог кадрлар ва олиб борилаётган илмий изланишларни инobatга олган ҳолда парфюмер ва косметик воситалар тайёрлаш йўналишида *Косметецт-технолог* кадрлар тайёрлаш 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб юборилади.

Ташкил этилган янги йўналишлар бўйича тайёрланадиган кадрлар амалий фаолиятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 30 майдаги 125 сонли буйруғи билан фармацевтика соҳасидаги қуйидаги касб фаолиятлари доираларини белгиловчи квалификацион тавсифномалар ва 2006 йил 17 апрелидаги 160 сон буйруғи билан лавозим номенклатуралари тасдиқланди:

- “клиник фармация” йўналиши асосида – клиник фармацевт

- “косметецтика” йўналиши асосида - косметецтика бўйича фармацевт-технолог.

Институтда илмий изланишлар Республикада фармацевтика ва тиббиётда долзарб муаммолари ечимига қаратилган бўлиб, катта илмий потенциалга эга бўлган институт жамоаси қуйидаги изланишлар бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар:

-Ўзбекистоннинг истикболи ёввойи доривор ўсимликларини ўрганиш, ўстириш технологиясига кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

-маҳаллий хом ашёлар асосида дори препаратлари олиш, дориларнинг самарали технологияси ва таҳлил усуллари яратиш, ҳамда фармацевтика саноатига жорий этиш;

-координацион бирикмалар асосида янги дори воситалари яратиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш;

-фармацевтика ишини ташкил қилиш ва унинг иқтисодиёти.

Институтдаги мавжуд илмий потенциал имкониятлардан самарали фойдаланиш, дори воситалари ишлаб чиқарувчи ва яратувчи корхоналарга бевосита ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 16 октябрь 467-сонли буйруғига биноан, Тошкент фармацевтика институти қошида 2002 йилдан Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси, фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси, илмий услубий ва ахборот – патент бўлими, дори воситаларини сертификатлаш идораси, замонавий таҳлил услублари ўқув тренинг маркази киради.

*Дори воситаларини стандартлаш марказининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:*

-янги дори воситалари учун МТХлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тўпламини тузиш;

-дори воситаларини сифатини назорат қилиш ва сертификациялаш;

-дори препаратларини технологиясини яратиш;

-дори воситаларини сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, стандартлаш ва уларни такомиллаштириш;

-янги дори воситаларининг фармако-токсикологик тадқиқотлари;

-биологик фаол қўшимчалар таҳлили.

Илмий марказ ҳозирги кунда Ҳиндистон, Покистон, Германия, Россия, Украина, Австрия, Болгария, Польша ва бошқа давлатларнинг фармацевтик фирмалари ва ташкилотлари билан тегишли дастурлар бўйича ҳамкорлик ишларини самарали олиб бормоқда [38].

Кадрлар малакасини ошириш ишлари ҳам замон билан ҳамнафас, ҳозирги кун фармацевтика амалиёти талаблари даражасида ташкил қилинмоқда.

Фармацевтика амалиётида фаолият кўрсатган кадрларни, иқтисодиёт, тараққиёти туфайли ўзгараётган янгиликлар, дори муомаласи билан боғлиқ янгиликлар ва меъёрий хужжатлар билан боғабар қилиш мақсадида, институт қошида 1969 йилдан бери фаолият кўрсатаётган *фармацевтлар малакасини ошириш* факультетида охириги вақтлар йилига 700-800 гача тингловчилар куйидаги йўналишлар бўйича ўз малкаларини оширмоқдалар:

-дорихона иқтисодиёти ва фармацевтикадаги долзарб муаммолар;

-дори турлари технологияси;

-дори воситаларини сифатини назорат қилиш;

-доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш;

-стерил дори турлари технологияси ва сифатини назорат қилиш;

-суд кимёгар экспертлари учун;

-фармацевтика бўлими мавжуд бўлган лицей ва колледж педагоглари учун.

Институт қошидаги фармацевтлар малкасини ошириш факультети мустақил юридик мақомини ҳал қилиш ва нуфузини ошириш мақсадида "Фармацевтлар малакасини ошириш маркази" мақомини бериш тўғрисидаги таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги хайъати томонидан ижобий ҳал қилинди.

Институт ўз келажагини фармацевтика соҳасида илмий изланишларни фармацевтика соҳаси ва тиббиёт амалиёти энг янги ютуқлари асосида бошқа турдош йўналишлар билан уйғунлашган ҳолда кенг тармоқда ривожлантириш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори малакали ёш илмий кадрлар ва педагоглар тайёрлаш, ривожланган давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳалқаро алоқаларни яна ҳам кенгайтириш, илмий асосланган ишлар натижаларини амалиётга жорий қилишда бозор иқтисодиёти тизимига мос, янги хўжалик юритиш услубига ўтказиш деб билади.

Кадрлар тайёрлаш борасида эса, яқин истикболда иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш менежменти, ветеринария йўналишлари билан уйғунлашган янги мутахассисликлар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Тарихан 70 йил – унча катта давр бўлмасада, аммо фармацевтика каби жадал ривожланаётган соҳа учун бу катта ўзгаришлар бунёд этишга етарли муддат бўлиб, институт ўзининг бу даврдаги фаолияти давомида фармацевтик таълим ва фан марказига айланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши институтнинг ҳам янги тараққиёт уфқларини очиб берди. Ҳозирги кунда олий фармацевтика таълимининг янги концепцияларини босқичма босқич амалга ошириш билан бир қаторда институт ўз имкониятларини бугунги кундаги талабларга жавоб берадиган, фақат Ўзбекистон фармацевтика фанини ривожлантира оладиган эмас, балки жаҳон ишлаб чиқарувчилари муҳитида муваффақиятли интеграцияни таъминлай оладиган илмий кадрларни тайёрлаш масаласини ҳал этишга қаратади [4,36,38].

### III. АМАЛИЙ ҚИСМ

#### ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КАФЕДРАСИНИНГ ТАРИХИ

Фармацевтика ишини ташкил қилиш курси 1939 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша даврда “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармациянинг тарихи” деб аталган. 1957 йилгача бу курс ҳар хил кафедра таркибига кирган: дорн турлари технологияси кафедраси таркибида 1951 йилгача, суд кимёси кафедраси таркибига 1951-1955 йиллар, медицина товаршунослиги курси таркибида эса 1956-1957 йиллар фаолият кўрсатган.

1958 йилгача фармацевтика ишини ташкил қилиш курсига ўриндошлик лавозимида илмий унвони бўлмаган Крутик Л.М., Фримерман М.Л., Ицкович А.Д., 1942-1944 йй. профессор Коган Г.Я. раҳбарлик қилган.

1958 йил 3-7 февралда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий фармацевтлар жамиятининг Пленуми қарорига асосан институтнинг фармацевтика ишини ташкил қилиш курси, фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иктисодиёти (ФИТҚИ) кафедрасига айлантириш ҳақида Тошкент фармацевтика институтининг 1958 йил 9 сентябрдаги 594-сонли буйруғи эълон қилинди.

Шундай қилиб, ФИТҚИ кафедраси 1958 йил сентябрдан бошлаб алоҳида мустақил кафедра сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1958 йилдан 1998 йилгача ФИТҚ кафедрасига турли даврларда профессор Тошмухамедов Э.Р., доцентлар Захаров В.А., Зияев Р.З., фармацевтика фанлари номзоди Жўраев Э.Н. лар кафедра мудири вазифасини бажариб келишди. 1997-1998 ўқув йилидан бошлаб кафедрага профессор Зайнутдинов Х.С. раҳбарлик қилиб келмоқда. 2006-2007 ўқув йилида кафедрада иккита фармацевтика фанлари доктори, профессор; тўртта фармацевтика фанлари номзодлари, доцентлар, етти катта ўқитувчи ва учта ассистентлар ишлашмоқда. ФИТҚ кафедраси профессор-ўқитувчилар таркиби жиҳатидан энг катта кафедралардан бирига айланди. 2 аспирант илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Малакали провизорлар тайёрлаш, кафедраларда олиб борилаётган ўқув-услубий ишларга боғлиқ. ФИТҚ кафедрасида ўқув жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилиб келинмоқда: маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалар ингиланиб турилади; анъанавий усуллар билан бирга ўқитишнинг янги-прогрессив усуллари ва талабаларнинг билимларини баҳолашнинг замонавий тест назорат усуллари қўлланилиб келинмоқда.

ФИТҚ фанининг ҳамма мавзулари бўйича маъруза матнлари, лаборатория дарслари учун ўқув-услубий қўлланмалар ёзилиб чоп этилган.

Кафедрада IV курс талабалари учун «Фармацевтика ишини ташкил қилиш практикуми» 1000 нусхада чоп этилди.

2007 йилда кафедра ходимлари томонидан «Фармацевтика ишини ташкил қилиш» ва «Фармацевтика иқтисодиёти» номли 2 та дарслик чоп этилди.

ФИТҚ кафедрасида кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кафедра ходимлари томонидан 5400 дан зиёд илмий ишлар чоп этилди, шулардан 4 таси монография 7 маъруза матнлари ва практикум. Кафедра ходимлари ўзларининг илмий ишлари билан Республика илмий ва амалий фармацевтикасига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Кафедранинг илмий-тадқиқот ишлари “Аҳолини ва даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлашни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича изланишлар” йўналишида олиб борилмоқда.

Ўтган даврда илмий тадқиқот ишлари қуйидаги соҳалар бўйича олиб борилди:

- Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари фармацевтика хизмати тизимини бошқариш, аҳолини дори-дармон билан таъминлашнинг ташкилий асослари;

- хўжалик ҳисобидаги дорихоналарнинг ишлаб чиқаришини ташкил қилишни такомиллаштиришни илмий-назарий асослаб берилди;

- дорихона тармоқларида кўплаб учрайдиган рецептлар таркиби аниқланиб, уларга бўлган талаблар ўрганилди, амалиётга тадбиқ қилинди;

- Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари дорихона хўжалиги учун 2000 йилгача фармацевтик кадрларга бўлган талаб аниқланди ва Соғлиқни сақлаш вазирликларига таклиф қилинди;

- Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари олий ва ўрта фармацевтика ўқув юртларига 1984-1995 ўқув йилларида ўртача ҳар йили қабул қилинадиган талабалар сони ҳисоблаб асослаб берилди ва тегишли Соғлиқни сақлаш вазирликларига таклиф қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси хўжалик ҳисобидаги дорихоналар тармоғини ривожлантириш учун меъёрлар ишлаб чиқилди ва халқ хўжалигига таклиф қилинди;

- Ўзбекистон Республикасининг кардиологик дори воситаларига бўлган эҳтиёжи аниқланиб, илмий асослаб берилди;

- Республика қишлоқ дорихоналарининг моддий-техника базаси, дори-дармонлар ва фармацевт кадрлар билан таъминланганлиги, кадрларнинг малака ошириш ҳолатлари ўрганилиб, қишлоқ дорихоналарининг дори-дармон билан таъминланиш сифатини ва маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва халқ хўжалигига таклиф қилинди;

- хусусий, акционер дорихоналар фаолияти тўғрисидаги низом, турли мулкчиликка асосланган дорихоналар менежери тўғрисида низом, провизор-технолог, провизор-аналитик, фармацевтлар тўғрисида низомлар, хусусий, жамоа, акционерлик дорихоналари учун ихтисослаштирилган бирламчи бухгалтерия ҳисоб ҳужжатлари ва уларни тўлдириш ва ишлатиш тўғрисида кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Дори-дармон давлат акционерлик уюшмаси томонидан 1994 йил 5 октябрь 33-сонли буйруқ билан тасдиқланиб, амалиётга киритилди;

- дорихона омборларининг провизор-технолог ва фармацевтлари учун вақт меъёрлари ишлаб чиқилди ва амалиётга таклиф қилинди;

- болалар ўткир юқумли ичак касалликларида ишлатиладиган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж ва уларнинг даво курси учун ўртача миқдори аниқланди. Ўткир юқумли ичак касалликларида ишлатиладиган ҳар бир дори

воситаси учун регрессия тенгламалари тузилиб, дори воситаси истеъмолига таъсир этувчи омиллар дори воситалари эҳтиёжини келажак учун аниқлаш услуби яратилди. 1996-2000 йиллар учун эҳтиёж кўрсаткичлари ЭХМ ёрдамида аниқланди ва амалиётга таклиф этилди;

- катта ёшли аҳоли ўртасида учрайдиган ўткир ичак касалликларида ишлатиладиган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланди;

- ишлаб чиқилган услубий-қўлланма амалиёти жорий қилинди;

- Республика дорихоналарининг савдо ҳажми, ишлаб чиқариш ва савдо харажатлари, умумий даромади, соф фойда қилиниб, дорихоналар молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбир ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси “Дори-дармон” давлат акционерлик уюшмасига таклиф қилинди;

- хўжалик ҳисобидаги дорихоналарнинг фармацевт ва провизор-технологлар бажарадиган иш усуллари, ташкилий-техник шароитлар, меҳнатга сарфланадиган иш вақти. Меҳнат ўлчамларига таъсир қилувчи факторлар ўрганилиб, дорихоналарнинг дори тайёрлаш билан банд бўлган фармацевтлар ишини назорат қилувчи провизор-технологлар, рецепт қабул қилиш ва улар асосида дори бериш билан банд бўлган, дорихона ғамламалар бўлимида ишлайдиган провизор-технологлар учун меҳнат нормалари ишлаб чиқилди ва амалиётга таклиф қилинди.

1960-2007 йиллар ФИТҚ кафедрасида иккита докторлик ва 20 номзодлик диссертациялари ёқланди. ФИТҚ кафедрасида тайёрланган фан докторлари ва номзодларининг рўйхатини келтирамиз:

- |                      |           |                      |      |
|----------------------|-----------|----------------------|------|
| 1. Тошмухамедов Э.Р. | 1960,1995 | 11.Мирахмедов М.М.   | 1978 |
| 2. Захаров В.А.      | 1963      | 12. Абдуваҳобов К.Р. | 1979 |
| 3. Абралов Т.М.      | 1964      | 13. Исаҳўжаев О.С.   | 1980 |
| 4. Зияев Р.З.        | 1970      | 14. Калашникова Р.А. | 1981 |
| 5. Жўраев Э.Н.       | 1971      | 15. Мухамедова Р.А.  | 1986 |
| 6. Ражабов М.Т.      | 1971      | 16. Султонов Т.С.    | 1989 |

- |                    |      |                     |      |
|--------------------|------|---------------------|------|
| 7. Чиншайло С.К.   | 1972 | 17. Ибрагимова М.Я. | 1996 |
| 8. Бондаренко О.В. | 1974 | 18. Ашуров А.А.     | 1998 |
| 9. Жуманов А.В.    | 1975 | 19. Соипова Д.Т.    | 2002 |
| 10. Комилов А.М.   | 1977 | 20. Саямова Ш.Т.    | 2004 |
|                    |      | 21. Сулонов Н.Д.    | 2005 |
|                    |      | 22. Юлдашева Д.     | 2006 |

### **3.1. 1997-2007 ўқув йилларидаги «Фармацевтика иштини ташкил қилиш» кафедрасининг ўқув фаолияти таҳлили**

Самарали ўқув жараёнини ташкил қилиш учун зарурий моддий таъминот зарур. Шу сабабли ФИТҚ кафедрасидаги ўқув моддий база ҳолати таҳлил қилинди. Таҳлил маълумотлари 3.1-жадвалда келтирилган. 1997-1999 ўқув йилида 9 та ўқув хонаси ( $105\text{м}^2$ ), шу жумладан, мудир хонаси ( $15\text{м}^2$ ), профессор хонаси ( $15\text{м}^2$ ), 6 та ассистентлар хонаси ( $36\text{м}^2$ ), 3 та доцентлар хонаси ( $30\text{м}^2$ ), 1 та лаборантлар хонаси ( $15\text{м}^2$ ) ва ўқув анжомлари сақланадиган хонаси ( $15\text{м}^2$ ) дан, 2000-2001 ўқув йилида 6 та ўқув хонаси, мудир хонаси, профессор хонаси, 4 та ассистентлар хонаси, 2 та доцентлар хонаси, 1 та лаборантлар хонаси ва ўқув анжомлари сақланадиган хонадан, 2001-2002 ўқув йилида 4 та ўқув хонаси, мудир хонаси, профессор хонаси, 5 та ассистентлар хонаси, 2 та доцентлар хонаси, 1 та лаборантлар хонаси, ўқув анжомлари сақланадиган хона ва компьютер хоналаридан, 2002-2003 ўқув йилида 6 та ўқув хонаси, мудир хонаси, профессор, 5 та ассистентлар, 2 та доцентлар, ўқув анжомлари сақланадиган ва компьютер хоналаридан, 2003-2004 ўқув йилида 6 та ўқув хонаси, мудир хонаси, профессор, 2 та ассистентлар, 3 та катта ўқитувчилар, 2 та доцентлар, 1 та лаборантлар, ўқув анжомлари сақланадиган ва компьютер хоналаридан, 2004-2006 ўқув йиллари 6 та ўқув хонаси, мудир, профессор, 2 та доцентлар, 2 та ассистентлар, 2 та катта ўқитувчилар, 1 та лаборантлар, ўқув анжомлари сақланадиган ва компьютер хоналаридан, 2006-2007 ўқув йилида 6 та ўқув, 1 та мудир, 2 та профессорлар, 2 та доцентлар, 3 та ассистентлар, 4 та катта ўқитувчилар, 3 та лаборантлар, ўқув анжомлари сақланадиган ва компьютер хоналаридан ташкил топган. ФИТҚ кафедраси компьютер, принтер, кодоскоп ва бошқа ўқув кўргазмалари қуроллар билан таъминланган. Буни 3.1-жадвалда мукаммал кўриш мумкин.

№	Номи	1997-1998		1998-1999		1999-2000		2000-2001		2001-2002		2002-2003		2003-2004		2004-2005		2005-2006		2006-2007	
1	Схемалар	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60	65	60	65	60	50	60	45	55	45	55
2	Жадваллар	40	40	40	40	40	40	40	40	45	40	45	40	45	35	40	30	40	30	30	30
3	Слайдлар										40	45	50	45	60	65	60	65	70	70	70
4	Диофильмлар																				
5	Диопроекторлар (протон, альфа)	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
6	Телевизор																				
7	Видеоаппаратлар																				
8	Компьютерлар	1	1	2	2	2	2	2	4	4	4	3	3	5	6	6	7	6	7	7	7
9	Кодоскоп								1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
10	Идора сўтлари	10	10	10	10	10	10	10	5	5	5										
11	Калькуляторлар	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	10	8	10	6	6	6	4

1997-2007 йилларда ФИТҚ кафедрасининг ўқув адабиётлар билан таъминланганлиги 3.2-жадвалда келтирилган.

**1997-2007 йилларда ФИТҚ кафедрасининг ўқув адабиётлар билан таъминланганлиги**

**3.2-жадвал**

№	Дарсликнинг номи	Муаллиф Ф.И.Ш.	Чоп этилган йил	Талабалар сони	Нусха сони	Таъминлан- ганлиги %
1	Практикум по медицинскому товароведению	Кулишова З.В. Кобатов Ю.Ф.	1974	157	124	78,9
2	Медицина асбоблари ва аппаратлари	Кобатов Ю.Ф. Безак В.И.	1974	133	140	100
3	Основы и методы управления в фармации	Пиняшко Р.М.	1986	136	230	100
4	Основы фармацевтической информации	Прокопшин В.И	1988	136	50	40
5	Учёт и отчетность в аптечных учреждениях 2 томник	Гореньков В.Ф.	1988	144	8	5,5
6	Медицинское товароведение	Крендаль П.Е. Кобатов Ю.Ф.	1989	157	130	82,8
7	Организация и экономика фармации	Криков В.И. Прокопшин В.И Парновский Л.	1991	120	590	100
8	ФИМ фани бўйича амалий машгулот практикуми	Тошмухамедов Э.Р. Зияев Р.З. Комилов А.М. ва бошқалар.	1993	120	600	490
9	Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти фани бўйича амалий машгулот практикуми	Тошмухамедов Э.Р. Зияев Р.З. Комилов А.М. ва бошқалар.	1993	122	600	100
10	Экономика фармации (м.м.)	Журавлёва Е.Б.	2000	22	50	25
11	Фармацевтический менеджмент (м.м.)	Журавлёва Е.Б.	2000	40	40	25
12	Социал фармация (м.м.)	Комилов А.М.	2000	37	10	27
13	Фармацевтика иқтисодиёти ва менеджменти	Тошмухамедов Э.Р.	2000	288	100	70
14	Фармацевтика иқтисодиёти (м.м.)	Зайнутдинов Х.С. Тўхтаева А.М.	2000	144	10	7
15	Фармацевтика менеджмент (м.м.)	Зайнутдинов Х.С. Зульфитдинова С.Ш.	2000	163	10	6,1
16	Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти (I. II. III.)	Юнусхўжаев А.Н.	2001	347	100	28

17	Социалная фармация (м.м.)	Журавлёва Е.Б.	2001	24	10	41,6
18	Управление и экономика фармации	Под редакцией Лоскутовой Е.Е.	2003	52	20	20
19	Ўзбекистон Республикасида банк тизими	Тошмухамедов Э.Р.	2004	155	100	70
20	Организация и экономика фармации	Под редакцией Косовой И.В.	2004	52	20	100
21	Фармацевтика ишлари ташкил қилиш. Электрон ўқув дарслик.	Тошмухамедов Э.Р. Юнусхўжаев А.Н. Зайнутдинов Х.С. ва бошқалар.	2005	208	-	100
22	Фармацевтика иқтисодиёти. Электрон ўқув дарслик.	Тошмухамедов Э.Р. Юнусхўжаев А.Н. Зайнутдинов Х.С. ва бошқалар.	2005	173	-	100
23	Фармацевтика менежменти фанидан электрон ўқув дарслик	Зайнутдинов Х.С.	2006	208	-	100
24	Фармацевтика ишлари ташкил қилиш	Тошмухамедов Э.Р. Зайнутдинов Х.С. Комилов А.М. Мухамедова Р.А. Журавлёва Е.Б. Исломова М.З.	2007	238	500	100
25	Фармацевтика иқтисодиёти	Тошмухамедов Э.Р. Зайнутдинов Х.С. Зияев Р.З. Ибрагимова М.Я. Зульфитдинова С.Ш. Тўхтаева А.М. Умарова Ш.З.	2007	238	500	100
26	Фармацевтика ишлари ташкил қилиш	Хидоятлова З.Ш.	2007	238	100	100

Жадвалдан кўриниб турибдики, тиббиёт таваршунослиги, фармацевтик инфармация асослари, дорихона муассасаларида ҳисоб ва ҳисобот дарсликлари эскирган, яъни улар 1974-1986 йилларда чоп этилган.

### **3.1.1. 1997-2007 ўқув йилларида кафедранинг профессор-ўқитувчилар билан таъминланганлиги**

ФИТҚ кафедраси 1997-2000 ўқув йилларида жами 19 та профессор-ўқитувчилар фаолият юритган бўлиб, шулардан 2 та профессор, 3 та доцент, 7 та катта ўқитувчи, 7 та ассистент ва 2 та лаборант ишлаган бўлса, 2006-2007 ўқув йилига келиб, кафедра қуйидаги таркибда фаолият юритган: 1 та кафедра мудир-профессор, 1 та профессор, 2 та доцент 8 та катта ўқитувчи, 3 та ассистент.

1997-2007 ўқув йилларида ФИТҚ кафедра профессор-ўқитувчилари талабаларга режалаштирган иш соатини ортиғи билан бажарганлар.



№	Ф.И.Ш.	Лавозими		2002-2003 Уқув йили		Лавозими		2003-2004 Уқув йили		Лавозими		2004-2005 Уқув йили		Лавозими		2005-2006 Уқув йили		2006-2007 Уқув йили			
		Каф.муд.	Проф.	ресла	бизнес	Каф.муд.	Проф.	ресла	бизнес	Каф.муд.	Проф.	ресла	бизнес	Каф.муд.	Проф.	ресла	бизнес	ресла	бизнес		
1	Зайнутдинов Х.С.	Каф.муд.		596	746	Каф.муд.		615	801	Каф.муд.		792	979	Каф.муд.		792	1006	Каф.муд.		596	986
2	Тошмухамедов Э.Р.	Проф.		200	200	Проф.		173	133	Проф. <sup>0.5</sup>		150	150	Проф.		--	--	Проф.		350	293
3	Зияев Р.З.	Доц. <sup>0.5</sup>		602	702	Доц. <sup>0.5</sup>		670	811	Доц. <sup>0.5</sup>		744	980	Доц. <sup>0.5</sup>		--	--	Доц. <sup>0.5</sup>		--	--
4	Комилов А.М.	Доц.		743	843	Доц.		758	801	Доц.		765	993	Доц.		--	--	Доц.		--	--
5	Журавлёва Е.Б.	Кат.ўқит.		846	882	Кат.ўқит.		860	1013	Кат.ўқит.		791	1045	Кат.ўқит.		787	1043	Кат.ўқит.		852	1149
6	Зульфитдинова С.Ш.	Кат.ўқит.		752	752	Кат.ўқит.		800	806	Кат.ўқит.		814	1029	Кат.ўқит.		843	1033	Кат.ўқит.		880	1060
7	Тўхтаева А.М.	Кат.ўқит.		140	140	Кат.ўқит.		318	258	Кат.ўқит.		455	401	Кат.ўқит.		409	314	Кат.ўқит.		--	--
8	Исломов М.З.	Кат.ўқит.		788	788	Кат.ўқит.		800	913	Кат.ўқит.		699	1011	Кат.ўқит.		833	1037	Кат.ўқит.		918	1330
9	Умарова Ш.З.	Кат.ўқит. <sup>0.5</sup>		398	498	Кат.ўқит. <sup>0.5</sup>		413	461	Кат.ўқит. <sup>0.5</sup>		412	351	Кат.ўқит.		416	416	Кат.ўқит.		410	395
10	Ҳидоятлова З.Ш.	Кат.ўқит.		785	785	Кат.ўқит.		760	815	Доц. в.б.		744	946	Доц.		748	951	Доц.		810	1214
11	Саидова М.Я.	Кат.ўқит.		770	770	Кат.ўқит.		811	960	Кат.ўқит.		803	1037	Кат.ўқит.		782	1028	Кат.ўқит.		849	939
12	Султонова Г.А.	Кат.ўқит.		797	797	Кат.ўқит.		816	918	Кат.ўқит.		813	1043	Кат.ўқит.		858	1231	Кат.ўқит.		715	1074
13	Содиқова Г.Э.	Ассистент		874	954	Ассистент		861	1011	Кат.ўқит.		791	1023	Кат.ўқит.		858	1251	Кат.ўқит.		844	1257
14	Темиров Б.С.	Ассистент		736	736	Ассистент		855	813	Ассистент		873	810	Ассистент		834	765	Ассистент		962	962
15	Саипова Д.Т.	Ассистент		730	730	Ассистент		813	918	Кат.ўқит.		1011	1115	Доц.в.б.		844	1037	Доц.в.б.		813	1227
16	Ибрагимова М.Я.	Кат.ўқит. <sup>0.25</sup>		200	200	Кат.ўқит.		--	--	Кат.ўқит.		--	--	Кат.ўқит. <sup>0.5</sup>		412	387	Доц. <sup>0.5</sup>		429	400
17	Ашуров А.А.	Кат.ўқит. <sup>0.5</sup>		--	--			--	--			--	--	Кат.ўқит. <sup>0.5</sup>		412	358	Кат.ўқит. <sup>0.5</sup>		429	395
18	Джуманов А.В.	Доц. <sup>0.5</sup>		182	364			--	--			--	--			--	--			--	--
19	Зияева М.Н.	Ассистент		442	442	Лаб.муд.		--	--			--	--			--	--			--	--
20	Юнусходжаев А.Н.	Проф.		--	25	Проф.		--	--	Проф.		50	50	Проф.		--	--			--	--
21	Сулонов Н.Д.			--	--	Кат.лаб.		--	--	Кат.лаб.		--	--	Ассистент		856	856	Ассистент		907	997
22	Салыева Ш.Т.			--	--			--	--			--	--	Ассистент		--	--	Ассистент		848	848
	Жами			10581	11354			10323	11432			10707	12963			10644	12713			11612	14038

1997-2007 ўқув йиллари ФИТК кафедрасида фаолият кўрсатган профессор-ўқитувчилар йил давомида талабаларга «фармацевтика ишени ташкил қилиш», «фармацевтика иқтисодиёти», «фармацевтика менежменти» ва «тиббийёт табаршунослик» фанларидан сабоқ бериб келганлар.

Қуйида келтирилган жадвали хулоса қиладиган бўлсак, режада белгиланган дарс соатларини профессор - ўқитувчилар томонидан ортиғи билан бажарилганлигини кўраимиз.


1997-2000 ўқув йиллари мобайнида ўзбек тили гуруҳларига маърузаларни Зияев Р.З., Комилов А.М., Ҳидоятова З.Ш., Зульфитдинова С.Ш., Исломова М.З., Алматов Э.Т., Тошмухамедов Э.Р., рус тили гуруҳларига эса Журавлёва Е.Б. ва Зульфитдинова С.Ш. ва бошқа профессор - ўқитувчилар ўқиган.

2000-2007 йилларида эса фармацевтика иқтисодиёти, фармацевтика менежменти, фармацевтика ишени ташкил қилиш ва тиббийёт таваршунослиги фанлари бўйича I, IV ва V курс талабалари учун ўзбек ва рус тилларида маърузаларни профессор Зайнутдинов Х.С., профессор Тошмухамедов Э.Р., доцент Комилов А.М., доцент Зияев Р.З., доцент Ҳидоятова З.Ш., доцент Саипова Д.Т., доцент Джуманов А.В., катта ўқитувчилардан Зульфитдинова С.Ш., Журавлёва М.З., Ибрагимова М.Я., Умарова Ш.З., Тўхтаева А.М., Исломова М.З. ва бошқа ўқитувчи - ассистентлар ўқиган.

*1997-2007 ўқув йилларида ФИТҚ кафедрасида фаолият юритган профессор-ўқитувчилар сони бўйича таҳлил натижалари*

Йиллар	Профессорлар	Доцентлар	Катта ўқитувчилар	Ассистентлар	Жами
1997-1998	2	3	5	5	15
1998-1999	2	3	7	2	14
1999-2000	2	2	7	4	15
2000-2001	2	2	5	4	13
2001-2002	2	4	8	6	20
2002-2003	3	3	9	4	19
2003-2004	2	2	9	3	16
2004-2005	3	3	9	1	16
2005-2006	2	2	10	2	16
2006-2007	2	4	7	3	16

**1-диаграмма**



### 3.1.2. Талабаларнинг фанларни ўзлаштириши ҳолати

3.4-жадвалдан кўриниб турибдики, 1997-1998 ўқув йилида «Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти» фани бўйича 4-курс талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари ўртача 3,2 баллни, 1998-1999 ўқув йилида ўртача 4,0 баллни, 1999-2000 йилида ўртача 3,47 баллни, 2000-2001 ўқув йилида ўртача 3,5 баллни, 2001-2002 ўқув йилида ўртача 3,9 баллни, 2002-2003 ўқув йилида ўртача 3,7 баллни, 2003-2004 ўқув йилида ўртача 3,8 баллни, 2004-2005 ўқув йилида ўртача 3,9 баллни, 2005-2006 ўқув йилида ўртача 3,7 баллни, 2006-2007 ўқув йилида эса бу кўрсаткич ўртача 4,0 баллни ташкил қилган. Демак 1998-1999 ва 2006-2007 ўқув йилида юқори кўрсаткичга эришилган.

1997-1998 ўқув йилида 4-курснинг 115 талабаси «Фармацевтика иқтисодиёти» фанидан имтиҳон топширишган. Талабаларнинг аъло баҳолар 5,2% ни, яхши баҳолар 25,5% ни, қониқарли баҳолар 57,0 % ни ташкил қилган. Ушбу йилда ўрта баҳолар сони кўп бўлган.

1998-1999 ўқув йилида яхши баҳолар 53,1% ни ташкил этиб, юқори даражани кўрсатган. 1999-2000 ўқув йилида қониқарли баҳолар 64,1% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган. 2000-2001 ўқув йилида қониқарли баҳолар 51,4% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган. 2001-2002 ўқув йилида яхши баҳолар 45,5% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган. 2002-2003 ўқув йилида яхши баҳолар 49,0% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган. 2003-2004 ўқув йилида яхши баҳолар 39,2% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган. 2004-2005 ўқув йилида яхши баҳолар 48,7% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган. 2005-2006 ўқув йилида яхши баҳолар 45,9% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган. 2006-2007 ўқув йилида яхши баҳолар 40,2% ни ташкил қилиб, йиллик юқори даражани кўрсатган.

1997-2007 ўқув йилларида ФИТҚ кафедраси бўйича имтихон  
натижалари

3.4-жадвал

Йил	Ўқув йили	Курси	Таалаблар сони	Имтихонга келмаганлар	Имтихон топширдилар						Қониксан баҳо олганлар		Ўртача балл
					аъло		яхши		қониксанли		сон	%	
					сон	%	сон	%	сон	%			
	1997-1998	IV	115	3	6	5,2	29	25,5	65	57,0	11	12,3	3,2
	1998-1999	IV	128	--	25	19,5	68	53,1	35	27,0	--	--	4,0
	1999-2000	IV	156	6	12	7,7	38	24,3	100	64,1	--	--	3,47
	2002-2003	IV	123	8	23	18,7	52	42,7	19	15,4	21	17,0	3,5
	2003-2004	IV	155	--	30	19,3	52	33,5	71	45,8	2	1,4	3,7
	2004-2005	IV	191	1	59	30,5	91	47,0	41	21,2	2	1	4,0
	2005-2006	IV	202	--	54	26,7	104	51,5	40	19,8	4	2	4,0
	2006-2007	IV	238	4	63	26,4	119	50,0	50	21,0	2	0,84	3,9
	2000-2001	IV	204	--	23	10,9	75	36,1	106	51,4	--	--	3,5
	2001-2002	IV	145	--	32	22,1	66	45,5	47	32,7	--	--	3,9
	2002-2003	IV	121	--	20	16,5	60	49,0	41	33,8	--	--	3,8
	2003-2004	IV	153	--	33	21,5	60	39,2	60	39,2	--	--	3,8
	2004-2005	IV	191	--	44	23,0	93	48,7	54	28,3	--	--	3,9
	2005-2006	IV	198	--	36	18,2	91	45,9	66	33,3	5	2,6	3,7
	2006-2007	IV	233	6	70	29,9	97	40,2	50	21,4	10	4,3	4,0
	1997-1998	V	125	--	66	52,8	45	36,0	14	11,2	--	--	4,41
	1998-1999	V	121	--	21	17,8	82	51,2	28	31,4	7	8,2	3,9
	1999-2000	V	135	--	19	14,4	69	52,2	41	31,6	10	4,5	3,83
	2000-2001	V	152	--	17	11,2	94	62,2	38	25,1	3	1,5	4,3
	2001-2002	V	202	--	29	14,3	103	50,7	69	34,4	1	0,6	3,7
	2002-2003	V	98	--	27	18,0	48	66,0	23	15,5	--	--	4,0

Йил	Ўқув йили	Курси	Талаблар сони	Имтиҳонга қатнашганлар	Имтиҳон топшириқлари						Қониқарсиз баҳо олганлар		Ўртача балл
					аъло		яхши		қониқарли		сон	%	
					сон	%	сон	%	сон	%			
	2003-2004	V	123	--	42	34.1	55	44.7	26	21.1	--	--	4.1
	2004-2005	V	147	--	56	38.1	65	42.2	26	17.7	--	--	4.2
	2005-2006	V	193	1	54	28.0	102	52.8	36	18.6	--	--	4.1
	2006-2007	V	193	--	54	28.0	87	45.0	51	26.4	1	0.6	4.0
	2001-2002				31	19.6	79	50.0	47	29.7			3.8
	2002-2003				26	12.5	121	58.4	60	28.9			3.8
	2005-2006				53	26.8	81	40.9	41	20.7			4.3
	2006-2007				79	33.7	100	42.7	40	17.0			3.9

3.4-жадвалдан кўриниб турибдики, ўн йиллик натижаларга кўра ФИТҚ фани бўйича ўртача балл 3,72 ни, фармацевтика иқтисодиёти фани бўйича ўртача балл 3,8 ни ва фармацевтика менежменти фани бўйича ўртача балл 4,0 ни ташкил этган.

1997-1998 ўқув йилида талабаларнинг фармацевтика менежменти фани бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 4,41 баллни ташкил қилди. Бу йилда аъло баҳолар 52,8 % га, яхши баҳолар 36 % га, қониқарли баҳолар 11,2% га топширишга эришилган. Кейинги яъни 1998-1999 ўқув йилига келиб шу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 3,9 баллни ташкил этган бўлиб, 51,2% юқори кўрсаткич билан яхши баҳо олишга эришилганлиги жадвалда акс эттирилган. Жадвалдан яна шу нарса маълумки, 2002-2007 ўқув йиллари мобайнида «Фармацевтика менежменти» фани бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари 4,0, 4,1, 4,2, 4,1, 4,0 балларни ташкил қилиб, олдинги йилларга нисбатан юқори кўрсаткичга эришилган.

### 3.1.3. Магистрларнинг фанларни ўзлаштириши ҳолати. ФИТҚ кафедрасида магистратура йўналиши

2005-2006 ўқув йилидан бошлаб ФИТҚ кафедрасида 5A720501-

“Фармацевтика менежменти ва иқтисодиёти” магистратура мутахассислиги бўйича қабул амалга оширилиб, ушбу мутахассислик бўйича қуйидаги асосий фанларнинг таълим жараёни йўлга қўйилган :

1. Фармацевтикада менежмент;
2. Фармацевтика бозорини бошқаришида маркетинг;
3. Фармацевтикада ташқи иқтисодий фаолият;
4. Фармацевтика ва қонунчилик;
5. Фармацевтика фаолиятининг назорати ва аудити;

Асосий фанлардан ташқари танлов фанлар сифатида “Фармацевтикада ЭХМ”, “Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш”, “Миллий дори сиёсати” ва “Фармацевтикада бизнес режа” каби фанлар ўқитилади.

Кафедрада ўқув жараёнини такомиллаштириш ва ўқув дастурларининг янги, давр талабига жавоб берадиган даражасини таъминлаш устида мунотазам иш олиб борилади.

2005-2006 ўқув йилида магистратура йўналишига 3 талаба ўқишга қабул қилиниб, қуйидаги фанлар бўйича таълим жараёни ташкил этилди:

#### 2005-2006 ўқув йилида 1-курс магистратура йўналишига жалб қилинган ўқитувчилар. Резидентларнинг ўзлаштириши натижалари (1-2семестр)

3.5-жадвал

Фаннинг номи	Ўқитувчилар Ф.И.Ш.	Резидентлар Ф.И.Ш.	Ўзлаштириш кўрсаткичлари (%)	
Фармацевтика ва қонунчилик	Очилов Б.Э.	Ҳамидова З.	94,1	Аъло
		Файзиёва М.	86,2	Аъло
		Алиев С.	89,5	Аъло
Фармацевтикада ташқи иқтисодий фаолият	Содиқова Н.И.	Ҳамидова З.	93,5	Аъло
		Файзиёва М.	89,4	Аъло
		Алиев С.	88,7	Аъло

Фармацевтика бозорини бошқаришда маркетинг	Зайнутдинов Х.С. Саипова Д.Т.	Ҳамидова З.	91,8	Аъло
		Файзиёва М.	89,7	Аъло
		Алиев С.	87,7	Аъло
Фармацевтика менежменти	Шомансуров Т.Ш.	Ҳамидова З.	86,7	Аъло
		Файзиёва М.	89,6	Аъло
		Алиев С.	86,0	Аъло
Махсус фанлар методологияси	Зайнутдинов Х.С. Саипова Д.Т.	Ҳамидова З.	87,0	Аъло
		Файзиёва М.	92,0	Аъло
		Алиев С.	86,0	Аъло

3.5-жадвалдан кўриниб турибдики, фармацевтика ва қонунчилик, фармацевтикада ташқи иқтисодий фаолият, фармацевтика бозорини бошқаришда маркетинг, фармацевтика менежменти ва махсус фанлар методологияси фанларидан барча талабалар аъло баҳога топширганлар.

2006-2007 ўқув йилида ФИТҚ кафедрасида магистратура мутахассислиги бўйича қуйидаги фанлар 1- ва 2- курсларига таълим жараёни ташкил этилган эди:

2006-2007 ўқув йилида 1-курс магистратура йўналишига жалб қилинган ўқитувчилар. Резидентларнинг ўзлаштириш натижалари (1-семестр)

3.6-жадвал

№	Фаннинг номи	Ўқитувчилар Ф.И.Ш.	Резидентлар Ф.И.Ш.	Ўзлаштириш кўрсаткичлари (%)	
				Ўрта баҳо	Баҳо
1	Фармацевтика ва конунчилик	Баратов М.	Максудова Ф.	78,3	Яхши
			Шоҳидоятова Н.	86,4	Аъло
			Абдуллаева М.	94,4	Аъло
			Ишмухамедов У.	77,5	Яхши
			Акрамов Т.	77,7	Яхши
			Тўлаганов Ш.	87,0	Аъло
			Арифжанова З.	89,0	Аъло
			Ражапов Д.	75,6	Яхши
2	Фармацевтикада ташқи иқтисодий фаолият	Тошбоев М. Зайнутдинов Х.С.	Максудова Ф.	77,8	Яхши
			Шоҳидоятова Н.	89,6	Аъло
			Абдуллаева М.	92,3	Аъло
			Ишмухамедов У.	78,1	Яхши
			Акрамов Т.	79,5	Яхши
			Тўлаганов Ш.	81,0	Яхши
			Арифжанова З.	87,4	Аъло
			Ражапов Д.	78,6	Яхши
3	Фармацевтика бозорини бошқаришда маркетинг	Зайнутдинов Х.С. Саипова Д.Т.	Максудова Ф.	86,2	Аъло
			Шоҳидоятова Н.	86,0	Аъло
			Абдуллаева М.	92,1	Аъло
			Ишмухамедов У.	76,9	Аъло
			Акрамов Т.	75,8	Яхши
			Тўлаганов Ш.	86,2	Аъло
			Арифжанова З.	88,1	Аъло
			Ражапов Д.	78,5	Яхши

3.6-жадвалдан кўриниб турибдики, фармацевтика ва конунчилик фанидан 4 талаба аъло баҳога, 4 талаба яхши баҳога, фармацевтикада ташқи иқтисодий фаолияти фанидан 3 талаба аъло баҳога, 5 талаба яхши баҳога, Фармацевтика бозорини бошқаришда маркетинг фанидан 6 талаба аъло баҳога, 2 талаба яхши баҳога топширганлар.

2006-2007 ўқув йилида 1-курс магистратура йўналишига жалб қилинган ўқитувчилар ва резидентларнинг ўзлаштириш натижалари (2-семестр)

3.7-жадвал

№	Фаннинг номи	Ўқитувчилар Ф.И.Ш.	Резидентлар Ф.И.Ш.	Ўзлаштириш кўрсаткичлари (%)	
1	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	Саипова Д.Т.	Максудова Ф.	83,0	Яхши
			Шоҳидоятова Н.	88,0	Аъло
			Абдуллаева М.	91,0	Аъло
			Ишмухамедов У.	76,0	Яхши
			Акрамов Т.	76,1	Яхши
			Тулаганов Ш.	75,9	Яхши
			Арифжонова З.	90,0	Аъло
			Ражапов Д.	75,9	Яхши
2	Фармацевтика менементи	Зокиров С.С.	Максудова Ф.	89,1	Аъло
			Шоҳидоятова Н.	90,2	Аъло
			Абдуллаева М.	92,9	Аъло
			Ишмухамедов У.	79,0	Яхши
			Акрамов Т.	84,4	Яхши
			Тулаганов Ш.	86,7	Аъло
			Арифжонова З.	92,9	Аъло
			Ражапов Д.	84,3	Яхши

Жадвалдан кўриниб турибдики, махсус фанларни ўқитиш методикаси фанидан 3 талаба аъло баҳога, 5 талаба яхши баҳога, фармацевтика менементи фанидан 5 талаба аъло баҳога, 3 талаба яхши баҳога топширганлар.

2006-2007 ўқув йилида 2-курс магистратура йўналишига жалб қилинган ўқитувчилар ва резидентларнинг ўзлаштириш натижалари  
(3-4 семестр)

3.8-жадвал

№	Фаннинг номи	Ўқитувчилар Ф.И.Ш.	Резидентлар Ф.И.Ш.	Ўзлаштириш кўрсаткичлари (%)	
1	Фармацевтика фаолиятининг назорати ва аудит	Юнусхўжаев А.Н. Азизов И.К. Илхомов Ш.	Алиев С. Ҳамидова З. Файзиев М.	87,6	Аъло
				88,0	Аъло
				76,7	Яхши
2	Давлат дори сиёсати ва дори воситаларидан оқилона фойдаланиш	Зайнутдинов Х.С. Саипова Д.Т.	Алиев С. Ҳамидова З. Файзиев М.	86,0	Аъло
				87,1	Аъло
				81,8	Яхши
3	Фармацевтикада ЭХМ	Саипова Д.Т.	Алиев С. Ҳамидова З. Файзиев М.	92,1	Аъло
				90,3	Аъло
				87,4	Аъло

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, фармацевтика фаолиятининг назорати ва аудит, давлат дори сиёсати ва дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва фармацевтикада ЭХМ фанларидан қуйидаги талабалар- Алиев С, Ҳамидова З. лар аъло баҳога; Файзиев М. фармацевтика фаолиятининг назорати ва аудит, давлат дори сиёсати ва дори воситаларидан оқилона фойдаланиш фанларидан яхши баҳога; фармацевтикада ЭХМ фанидан аъло баҳога топширганлар.

**ФИТҚ кафедраси бўйича 2006-2007 ўқув йилида қилинган  
магистрлик диссертациялари рўйхати**

№	Диплом ишининг мавзуси	Талабанинг фамилияси, исми	балл	Рахбарнинг Ф.И.Ш.
1	Эндемик букоқ касаллигида қўлланиладиган дори воситалари самарадорлигини иктисодий баҳолаш.	Алиев С.	93	Профессор Зайнутдинов Х.С.
2	Артериал гипертензия касаллигини даволаш жараёнида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш.	Ҳамидова З.	93	Доцент Санинова Д.Т.
3	Умумий даволаш амалиётида антидепрессантлардан оқилона фойдаланиш.	Файзиев М.	90	Профессор Зайнутдинов Х.С.

### **3.1.4. Ишлаб чиқариш амалиёти**

Ишлаб чиқариш амалиёти якунлари ўқув жараёнининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Тайёргарлик ишлари ишлаб чиқариш амалиёти бошланишидан олдин ой олдин бошланади. Ҳар қайси талаба қаерда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи, ўташ вақти, дорихона сони ва унинг жойлашган манзили белгиланади.

Талабалар билан ташкилий масалалар бўйича мажлислар ўтказилади. Бу мажлисларда талабаларни амалиёт базаларида, дорихона муассасаларида амалиётни ўташ шарт-шароитлари ва тартиб қоидалари, кундаликларни вақтида, туғри расмийлаштириш туғрисида ахборотлар берилади. Шундан сўнг ҳар бир талабага ишлаб чиқариш амалиётини ўташ бўйича услубий қўлланма ва амалиёт базаларига йўлланмалар берилади.

Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун Тошкент шаҳридаги қирққа яқин дорихона асосий базалардан бўлиб хизмат қилади. Илгарилари, яъни 1994 йилгача ишлаб чиқариш амалиётлари Республикамизнинг вилоятларида ўталган бўлса, 1994-1995 ўқув йилидан бошлаб барча талабалар фақат Тошкент шаҳридаги дорихона асосий базаларида амалиёт ўтамоқдалар.

Кафедранинг тажрибали ўқитувчилари ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилганлар. Дорихоналарга бориб, талабалар билан амалиётни сифатли ўташ учун бор куч ва билимларини талабалар билан шуғулланишга сарфлаганлар.

Амалиёт якунлари институтда илмий - услубий конференцияда муҳокама қилиниб, ишлаб чиқариш амалиётини келажакда янада яхшилаш борасида чора тadbирлар белгиланади.

**ФИТК фонддан ташлаб чиқариш амалиёти бўйича сингов топириш натижалари**

3.9-жадвал

№	Ўқув йили	Курс	Таалаб-лар сони	Аъло		Яхши		Конникарли		Ўртача бағл	Амалиёт ўтамагандар	
				сон	%	сон	%	сон	%		сабабли	сабабсиз
1	1997-1998	IVкурс	114	25	21,93	56	49,12	33	29,95	3,93	--	--
2	1997-1998	Vкурс	143	25	17,48	76	53,15	42	29,37	3,88	--	--
3	1998-1999	IVкурс	126	33	26,19	75	59,52	18	14,28	4,05	--	--
4	1999-2000	IVкурс	151	36	22,85	94	62,25	21	13,9	4,09	--	--
5	2000-2001	IVкурс	204	53	26	91	44,6	60	29,4	3,96	--	--
6	2001-2002	IVкурс	146	67	46,2	57	39,3	21	14,5	4,3	1	--
7	2002-2003	IVкурс	122	50	40,9	56	45,9	16	13,1	4,2	--	--
8	2003-2004	IVкурс	123	48	39,02	50	40,6	25	20,3	4,1	--	--
9	2004-2005	Vкурс	192	59	30,7	94	49	39	20,3	4,1	--	--
10	2005-2006	Vкурс	147	53	36	73	49,6	21	14,3	4,2	--	--

3.9-жадвалдан шу нарсани кўришимиз мумкинки, 1997-1998 ўқув йилида IV курс 114 талаба ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, шулардан 25 таси (21,93%) аъло баҳога, 56 таси (49,12%) яхши баҳога, 33 таси (21,95), қониқарли баҳога топширишган. Ўртача балл 3,93 га тенг бўлган бўлса, 2001-2002 йилга келиб ФИТҚ кафедрасининг 4-курс 146 талабаси ишлаб чиқариш амалиётига фаол қатнашиб 67 талаба (46,2%) аъло баҳога, 57 талаба (39,3%) яхши баҳога, 21 та талаба (14,5%) қониқарли баҳога топшириб, бу 10 йилликда (1997-2007) энг юқори кўрсаткичга эришганлар. Бу йилда талабаларнинг ўртача баллари 4,3 тенг бўлган.

2005-2006 ўқув йилида ФИТҚ фанидан 5-курс 192 талаба 30.01.2006 дан 18.03.2006 гача ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, 59 талаба (30,7%) аъло баҳога, 94 талаба (40%) яхши баҳога, 39 талаба (20,3%) қониқарли баҳога топшириб, ўртача бали 4,1 ни ташкил қилган.

2006-2007 ўқув йилида ФИТҚ фанидан 5-курс 193 талаба 15.02.2007-01.04.2007 гача Тошкент шаҳрида турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб қуйидаги кўрсаткичга эришдилар: 55 талаба (33,6%) аъло баҳога, 74 талаба (38,3%) яхши баҳога, 48 талаба (24,8%) қониқарли баҳога топшириб, ўртача бали 4,0 га тенг бўлган.

Демак, 1997-2007 ўқув йилларида ишлаб чиқариш амалиёт натижаларини хулоса тарикасида шу нарса маълум бўладики, ФИТҚ кафедрасининг самарадорлиги ва мавқеи йилдан йилга ортиб бормоқда.

### 3.1.5. Курс ишлари таҳлили

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқув тадқиқот ишлари режасига асосан талабалар курс ишларини бажариб, бунда уларни амалиётнинг айрим қисмларини чуқурроқ ўрганишларини, фаннинг назарий ва амалий мавзуларини, махсус адабиётлар билан ишлаш қобилиятларини ҳисобга олиш кўзда тутилади.

ФИТК кафедрасида 1997-2007 ўқув йилларида талабалар томонидан қарийиб 70 га яқин мавзулар бўйича курс ишлари ёзилган.

№	Ўқув йили	Курс	Талабалар сони	Аъло		Яхши		Қонқарли		Ўртача балл	Амаліёт ўтамаганлар	
				сон	%	сон	%	сон	%		сабабли	сабабсиз
1	1997-1998	IVкурс	117	19	16,23	68	58,13	30	25,64	4,15	--	--
2	1998-1999	Vкурс	144	43	29,86	66	45,84	35	24,3	4,05	--	--
3	1999-2000	IVкурс	127	39	30,7	65	51,2	19	14,96	4,03	--	--
4	2000-2001	IVкурс	151	50	33,1	74	49	27	17,1	4,15	--	--
5	2001-2002	IVкурс	204	39	19	118	57,8	47	23	3,96	--	--
6	2002-2003	IVкурс	146	65	44,8	72	49,7	8	5,5	4,4	--	--
7	2003-2004	IVкурс	122	49	40,1	60	49,1	13	10,6	4,8	--	--
8	2004-2005	IVкурс	123	51	41,4	61	49,6	11	9	4,3	--	--
9	2005-2006	Vкурс	147	53	36	63	42	31	21,1	4,1	--	--
10	2006-2007	Vкурс	192	65	37	88	45,6	39	20,4	4,1	--	--
11	2007-2008	Vкурс	193	63	32,5	75	38,6	55	28,3	4,0	--	--

Курс ишлари натижалари хақида 3.10-жадвалдан шуни кўриш мумкинки, 1997-1998 ўқув йилларида 4-курснинг 117 нафар талабаси курс ишларини ёзиб, шулардан 19 нафар (16,23%) аъло баҳога, 68 нафари (58,13%) яхши баҳога, 30 нафари (26,64%) кониқарли баҳога топширишган. Талабаларнинг ўртача билимлари эса 4,15 га тенг бўлган.

1997-2007 йиллар орасида курс ишлари натижаларининг энг ёқори кўрсаткичи 2002-2003 ўқув йилига тўғри келади. Бу ўқув йилида 4-курснинг 122 нафар талабаси ФИТК фанидан курс ишлари ёзишган бўлиб, шулардан 49 таси (40,1%) аъло баҳога, 60 таси (49,1%) яхши баҳога, 13 таси (10,6%) кониқарли баҳога топшириб, ўртача балл кўрсаткичи 4,8 га тенг бўлган.

Охириги яъни 2006-2007 ўқув йилида шу фандан 5-курснинг 193 талабалари курс ишларини ёзиб, шулардан 63 таси (32,5%) аъло баҳога, 75 таси (38,6%) яхши баҳога, 55 таси (28,3%) кониқарли баҳога топширганлар. Ўртача балл эса 4,0 га тенг бўлган.

3.10-жадвалдан шуни хулоса қилиш мумкинки, 1997-2007 ўқув йилларида ёзилган курс ишлари натижаси ўртача бали 4,6 га тенг бўлиб, бу кўрсаткич юқори натижа деб кўрсатилган.

### **3.1.6. Малакавий битирув (диплом) ишлари таҳлили**

Битирув малакавий (диплом) ишлари Олий таълим тизимини ва ўқув жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади.

Диплом ишлари мавзулари кафедранинг илмий ишларига мос бўлиши, кафедра илмий ишлари режасини муваффақиётли ижросини таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари малакавий битирув диплом иши, диплом ишини бажарувчи талабага илмий иш қилиш сирларини, илмий мақолалар ёзишни, адабиётлардан унумли фойдаланишни ўргатади.

ФИТҚ кафедрасида 1997-2007 ўқув йилларида ҳаммаси 52 мавзуда диплом ишлари бажарилган.

Диплом иши мавзулари ўз ичига қуйидаги соҳаларни олади:

*- фармацевтик корхоналари молиявий иқтисодий фаолиятлари таҳлили;*

*- фармацевтик корхоналари бизнес режасини тузиш;*

*- фармацевтик ходимларнинг иш фаолиятини ташкил қилиш;*

*- фармацевтик корхона ва дорихоналарда ишлаб чиқариш ва савдо харажатлари таҳлили;*

*- дори воситаларига нарх белгилаш;*

*- дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;*

*- юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш;*

*- дори воситаларининг иқтисодий таҳлили;*

ва бошқалар.

Юқорида барча диплом ишлари мавзулари ФИТҚ кафедрасининг илмий ишлар мавзуларига мос келишини айтиб ўтган эдик.

ФИТҚ кафедрасида бажарилган диплом ишларида айрим камчиликларни кузатиш мумкин. Масалан, диплом ишлари қисқа ва аниқ ёзилмаган, адабиётлар шарҳида фойдаланилган адабиётлар илова қилинмаган, адабиётлар рўйхати ДАК талабларига мос келмайди. Ҳар ўқув йили ўтган сайин бу камчиликларни камайтиришга эришилган.



№	Ўқув йили	Талаба-лар сонин	Аъло		Яхши		Кониқарли		Ўртача балл
			сонин	%	сонин	%	сонин	%	
1	1997-1998	6	6	100	--	--	--	--	5,0
2	1998-1999	23	8	34,8	14	60,9	1	4,3	4,3
3	1999-2000	24	8	33,0	14	58,3	2	8,3	4,2
4	2000-2001	22	10	45,4	10	45,4	2	9,0	4,3
5	2001-2002	31	14	45,1	13	41,9	4	12,9	4,4
6	2002-2003	29	10	34,4	15	51,9	4	13,7	4,2
7	2003-2004	23	11	47,8	9	39,1	3	13,0	4,3
8	2004-2005	30	13	43,3	13	43,3	4	13,3	4,3
9*	2005-2006	40	20	48,0	16	41,0	4	11,0	4,4
10	2006-2007	37	13	35,1	18	48,6	6	16,2	4,2

1997-2007 ўқув йилларида бажарилган 14 та диплом ишлари «Кимё ва фармация», «Фармацевтический Вестник Узбекистана» журналларида чоп этилган. Раҳбарлари, Тошмухамедов Э.Р., Зияев Р.З., Комилов А.М., Зайнутдинов Х.С., Зулфитдинова С.Ш., Ибрагимова М.Я. лар бўлиб, диплом иши натижалари амалиётга тадбиқ этилган.

Демак, 1997-1998 ўқув йили ФИТҚ кафедрасида 6 нафар талаба диплом ҳимоя қилган бўлиб, буларнинг барчаси энг юқори кўрсаткич, яъни аъло баҳога топширишга эришган.

